O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 15-iyun, chorshanba ● № 24 (724) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● elektron manzil: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

УЗОҚ МУДДАТЛИ МАНФААТЛАРГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Россия Президенти Дмитрий Медведев 13 июнь куни амалий ташриф билан Тошкентга келди.

Кўксарой мажмуида 14 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведевнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан самимий қутлар экан, Россия Президентининг Ўзбекистонга ташрифи юксак даражадаги ўзаро муносабатларнинг яққол далили эканини таъкидлади. Бу икки мамлакат халқларининг узоқ муддатли манфаатларига хизмат қилувчи барча соҳалардаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги қатъий сиёсий интилишларнинг тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда.)

ИСЛОМ КАРИМОВ ОСТОНА ШАҲРИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун 14 июнь куни Остона шаҳрига жўнаб кетди.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОСТОНА ШАҲРИГА КЕЛДИ

ОСТОНА. 14 июнь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14 июнь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШҲТ) аъзо давлатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрига келди.

Ушбу учрашув Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон давлатлари томонидан 2001 йил 15 июнда асос солинган ШҲТнинг юбилей саммитидир.

Ўтган ўн йил янги халқаро тузилманинг шаклланиш жараёнида муҳим босқич бўлди. Ушбу тарихан қисқа даврда ШҲТ ҳозирги замон геосиёсатини белгиловчи муҳим омиллардан бирига айланди. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари ўтган саммитлардан бирида таъкидлаганидек, «ШҲТ умумий чегаралар, яқин тарихий-маданий, анъанавий сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларга эга давлатларнинг тенг ҳуқуқли бирлашмаси бўлиб, унинг фаолияти бошқа мамлакатларнинг манфаатларига қарши қаратилмаган ва қарамақаршилик қиладиган блок хусусиятига эга эмас».

Ўтган 10 йил мобайнида ШҲТда замонавий хавфхатар ва таҳдидларга қарши курашиш соҳасидаги қўшма лойиҳаларни амалга оширишни, ШҲТга аъзо давлатлар ва, умуман, бутун минтақани барқарор иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш, социал-маданий соҳада ҳамкорликни кенгайтириш учун муҳим шартномавий-ҳуқуқий асос яратилди.

Ўзбекистон ШҲТдаги иштирокига улкан масъулият билан ёндашади. Мамлакатимизнинг 2004 ва 2010 йилларда мазкур ташкилотга раислик қилгани, Ўзбекистон ташаббуси билан ушбу ташкилот фаолиятида муҳим аҳамият касб этувчи ҳужжатлар, жумладан, ШҲТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш, ШҲТ процедуралари қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлар ишлаб чиқилгани ва қабул қилингани бунинг тасдиғидир. Шунингдек, Ўзбекистон раислиги даврида БМТ ва ШҲТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация имзоланди.

Саммитнинг биринчи куни дастури доирасида ШҲТга аъзо давлатлар, кузатувчи давлатлар раҳбарлари ва бошқа иштирокчилар учун «Қозоғистон» марказий концерт залида юбилей концерти намойиш этилди.

Шу куни ШҲТнинг 10 йиллигига бағишланган бошқа тадбирлар ҳам бўлиб ўтди.

ШҲТ саммити 15 июнь куни ўз ишини давом эттиради.

20 йил

СИРДАРЁ:

Мирзачўл бағридаги бўстон

Сирдарё вилоятида яшайдиган халқ кўпни кўрган, оғир синовларда тобланган, меҳнаткаш, матонатли халқдир. Бундай одамлар билан ҳар қандай машаққатни енгиб ўтиш, янги-янги марраларни қўлга киритиш, янада улуғвор ишларни амалга ошириш мумкин.

Ислом КАРИМОВ

Ўзига хос салоҳиятга эга бўлган Сирдарё истиқлол йилларида қайта сайқал топиб, юртимизнинг энг кўркам, энг файзли вилоятларидан бирига, бошқача қилиб айтганда, Мирзачўл бағридаги гўзал бўстонга айланди. Янгитдан барпо этилган муҳташам бинолар, кенг ва равон кўчалар, ҳамиша гавжум гузарлар вилоят шаҳар ва қишлоқлари кўркига беқиёс жило бериб турибди. Мард, танти сирдарёликлар эса кечани кеча, кундузни кундуз демасдан, воҳани янада обод этишга интилмоқда. Ватанга чин меҳр қўйиш, унинг равнақи ҳақида қайғуриш, аслида, шу тахлит кўриниш беради, албатта.

Юртимизда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб номланган жорий йилнинг дастлабки ойларидаёқ бир қатор янги ишлаб чиқариш корхоналари ўз фаолиятини бошлади. Хусусан, «Habib tex», «Shipa tex», «Кармента-Ян-Текс», «Gul-Pen-Nex», «Интер Милк», «Нафис либос» каби яна ўнлаб қўшма корхоналарни мисол тариқасида санаб ўтиш мумкин. Албатта, дилларга хушнудлик бахш этувчи бундай ўзгаришлар, улкан бунёдкорлик ишлари янги иш жойларининг яратилишига, бозорларимизнинг ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдирилишига, пировардида эса халқ турмуш тарзининг янада яхшиланишига сабаб бўлмоқда.

3 »

БИРДАМЛИК ВА ИНСОНИЙЛИК НАМУНАСИ

5-бет

Таъбир жоиз бўлса, офат японияликлар орасидан меҳр-оқибатни кўтара олмади. Ҳатто япониялик ёши катта кишилар фарзандларининг келажакда тинч-тотув ва соғлом ҳаёт кечириши учун кўнгиллилар қаторида радиация тушган ҳудудлардаги текширув ва қайта-тиклов ишларига бормоқдалар.

СОЧ ТОЛАСИ ЮЗ МИНГТАГА БЎЛИНАДИ



6-бет

Нанотехнология соҳасида юртимиз олимлари ҳам бир қатор изланишлар олиб бормоқдалар. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иссиқлик физикаси бўлимида наноматериалларнинг хусусиятларини ўрганувчи таркибий акслантиришлар илмий-тадқиқот маркази ташкил этилган.

ЭНГ ЯҚИН ДЎСТ



8-бет

Спорт билан мунтазам шуғулланиш натижасида ўтган йили 2005 йилга нисбатан ўқувчилар ўртасида ўткир респираторли вирусли инфекция билан касалланиш 12,8, пневмония билан касалланиш 15,5, бронхит билан касалланиш 16,2 ва сколиоз билан касалланиш 11,6 фоизга камайгани бу фикримизни тўла тасдиқлайди.

✔ **Концепция: ғоя, мақсад ва вазифалар**

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг муҳим институти бўлган сиёсий партияларнинг демократик тамойиллар асосида фаолият кўрсатиши учун барча зарур ҳуқуқий асослар Конституция ва қонунларда ўз ифодасини топди. Хусусан, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимини қарор топтиришнинг кафолатларидан бирига айланди. Шу ва шу каби қонунларга биноан сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий иродалари шаклланишини таъминлаш учун эркин ҳуқуққа эга бўлдилар. Айни пайтда давлат ҳокимиятини шакллантиришда сиёсий партиялар ҳамда жамоат бирлашмаларининг таклиф ва истакларини инобатга олиш ҳам сиёсий ҳаёт тарзига айланиб бормоқда.

Демократик ислоҳотлар ва сиёсий партиялар

"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да Юртбошимиз томонидан илгари сурилган таклифлар асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддалари (78-, 80-, 93-, 96- ва 98-моддалари)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун мамлакатни демократлаштириш ва эркинлаштириш, мамлакатни бошқаришда сиёсий партияларнинг ролини оширишда муҳим қадам бўлиб, бу соҳада олиб борилаётган ислоҳотларни юқори босқичга кўтарди. Негаки, мазкур қонуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришга, давлат ҳокимиятининг учта субъекти — Президент, қонун чиқаруви ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлашга, шу йўл билан ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини кучайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

2 »

✔ **Минтақавий конференция**

Жамият ривожида ОАВнинг роли

Фарғона шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Фарғона вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ахборот соҳасини ислоҳ этишнинг долзарб вазифалари" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Мазкур анжуманда депутатлар, Журналистлар ижодий уюшмаси аъзолари, бир гуруҳ марказий нашрлар раҳбарлари ҳамда Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларининг ҳудудий босма ва электрон оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Конференцияда Юртбошимизнинг 2010 йил 12 ноябрь куни Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасида илгари сурилган йўналишлардан бири — ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида белгилаб берилган устувор йўналишлардан келиб чиқадиган вазифалар, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ОАВнинг ўрни ва уларни ислоҳ этишнинг долзарб масалалари, «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашилди. Концепцияда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш устувор йўналиш сифатида белгиланиб, бу борада бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилгани ва бу мамлакатда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилиши атрофлича мисоллар билан баён этилди.

4 »

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

УЗОҚ МУДДАТЛИ МАНФААТЛАРГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК

(Бошланиши 1-бетда.)

Томонлар бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётганини қайд этди. Сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик ўз самараларини бермоқда.

Россия Ўзбекистоннинг савдо соҳасидаги энг йирик ҳамкорларидандир. Ўзаро савдо ҳажми муттасил ўсмоқда. Ўтган йили бу соҳада қарийб 50 фоиз ўсишга эришилди ва товар айирбошлаш ҳажми 6,4 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Россия ҳукуматлараро комиссиясининг жорий йил 31 май куни бўлиб ўтган мажлисида янги тармоқлар ва маҳсулотларни жалб қилиш ҳисобига иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Россияга табиий газ, транспорт ва коммуникация хизматлари, транспорт воситалари, қишлоқ хўжалиги ҳамда тўқимачилик маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилади. Россиядан Ўзбекистонга рангли ва қора металл, механик ва электр асбоблари, ёғоч ва ёғочни қайта ишлаш саноати маҳсулотлари импорт қилинади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик фаоллашиб, Ўзбекистондан Россияга мева ва сабзавот етказиб бериш ҳажми ўсмоқда.

Сармоявий ҳамкорлик динамикаси ва диверсификацияси қўшма корхоналар сони кўпайиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда. Мамлакатимизда 843 Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Россиянинг 135 фирма ва компанияси мамлакатимизда ўз ваколатхонасини очган. Россия Федерациясида ўзбекистонлик шериклар иштирокида тузилган 385 қўшма корхона ишлаб турибди.

Сармоявий ҳамкорлик кўлами ҳам кенгайиб бормоқда. Бу борада гап кетганда, ёқилғи-энергетика мажмуи, геологоразведка, конларни қидириш ва ўзлаштириш соҳасида инфратузилмаларни ривожлантириш мақсадида "Газпром", "Лукойл", "Союзнефтегаз", "Стройтрансгаз", "Волгабурмаш" каби компаниялар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган кенг миқёсли ишларни алоҳида қайд этиш жоиздир.

Таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва бошқа соҳаларни қамраб олган гуманитар ҳамкорлик ҳам кенгайиб бормоқда.

Фан ва таълим соҳасидаги алоқалар устувор аҳамият касб этади. Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети ва И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент филиаллари фаолияти мазкур йўналишдаги ҳамкорлик самараларига ёрқин мисолдир.

Олий даражадаги Ўзбекистон — Россия учрашувида икки томонлама ҳамкорликка оид муҳим масалалар билан бир қаторда халқаро сиёсатга доир долзарб муаммолар ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, Марказий Осиёда сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди. Минтақанинг трансчегаравий дарёларида гидротехник иншоотлар қуриш учун қўшни мамлакатларнинг розилигини олиш ҳамда бундай лойиҳаларни мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Томонлар минтақадаги вазиятни ҳам муҳокама қилдилар. Барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда ўзаро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди. Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши давлатлараро ва минтақалараро ҳамкорликнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Ислом Каримов ва Дмитрий Медведев икки томонлама муносабатларга доир муҳим масалаларни атрофлича муҳокама қилдилар. Олий даражадаги мазкур учрашув ўзаро муносабатлар ва томонларни қизиқтирган бошқа кўплаб долзарб масалалар юзасидан ёндашувларни солиштириб олиш учун яхши имконият бўлди. Эришилган келишувлар яқин истиқболда Ўзбекистон ва Россия халқлари фаровонлигига хизмат қиладиган ҳамкорликни янада ривожлантиришга йўналтирилган аниқ ҳужжатлар, ўзаро манфаатли лойиҳалар учун асос бўлиши шубҳасиздир.

(ЎзА)

Демократик ислоҳотлар ва сиёсий партиялар

(Бошланиши 1-бетда.)

Қонун қабул қилиниши муносабати билан қонунчиликка келгусида Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ҳуқуқини сиёсий партияларга бериш ва Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш тартибини белгиловчи демократик институтлар киритилди. Мутлақ янги бўлган ушбу институтларнинг жорий этилиши "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг ҳаётга татбиқ этилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф қилинади. Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Олий Мажлис палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади. Бош вазир номзоди Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи овоз берган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Ушбу демократик тамойилнинг аҳамиятли томони шундаки, бу имкониятни қўлга киритиш учун сиёсий рақобат кучаяди. Чунки келажакда сиёсий партиялар ўзларининг сайловолди дастурларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, электорат манфаатларини янада самарали ҳимоя қилишда ижро ҳокимияти орқали ҳам таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлади.

Шунингдек, Конституцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган тақдирда, Қонунчилик палатаси депутатлари сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига киритилган таклиф бўйича Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритиш белгиланди. Бундай норманинг қўлланилиши сиёсий партиялар томонидан Бош вазир номзодини кўрсатиш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиб, амалдаги Бош вазир фаолияти давомида ўзининг номзодини кўрсатган сиёсий партия ёки сиёсий партиялар манфаатларини ифода этиш ҳолатини истисно этмайди. Бу ҳолат эса Парламент Қонунчилик палатасидаги бошқа сиёсий партиялар фракцияларининг норозилигини келтириб чиқаради. Шу сабабдан ишончсизлик вотуми институтининг киритилиши ҳукуматни бошқаришда фақат бир тоифанинг манфаатлари ҳисобга олинмасдан, бошқа сиёсий партиялар билан ҳам ўзаро келишув асосида иш олиб борилишини англатади.

Ижро ҳокимияти устидан парламент назоратини кучайтирувчи янги механизм сифатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари доирасига мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари бўйича Бош вазир ҳисоботини эшитиш ва муҳокама қилишга оид норманинг киритилиши ҳукуматнинг парламент орқали уни сайлаган халқ олдида ҳисоб беришини назарда тутади. Парламент палаталари агар у ёки бу масалани долзарб деб ҳисоблаганда, ҳукумат раҳбарининг ҳисоботини ҳар қандай вақтда ҳам эшитишини белгиловчи Конституциявий қоида парламентнинг ижроия ҳокимиятига таъсирини янада оширади. Шунингдек, парламентнинг назорат фаолиятини янада такомиллаштириб, ҳукумат фаолиятининг бошқарувда ошкоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларини амалда таъминлайди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган Концепцияда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришга эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг очиқ-ошкоралиги ва самарасини таъминлашда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилганди. Айниқса, бу қонуннинг аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаб бериш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олишига алоҳида эътибор қаратилди.

"Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонун фуқаролик жамияти институтлари ҳаракатини кучайтириб, давлат органлари бозор иқтисодиёти мезонида иш юритишига қулайлик туғдиришдан ташқари, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш механизми сифатида ҳам хизмат қилади.

Кўриниб турибдики, мазкур қонуннинг қабул қилиниши сиёсий партияларнинг нафақат ўз вакиллари (депутатлар) орқали мамлакатни бошқаришда иштирок этиши, балки нодавлат нотижорат ташкилот сифатида жамоатчилик назоратини ўрнатган ҳолда, ижтимоий шериклик орқали ҳам мамлакатимизда демократик жараёнларни чуқурлаштиришда бевосита иштирокини таъминлашга хизмат қилади.

Алишер МАРДИЕВ,
Самарқанд вилоят адлия бошқармаси бошлиғи

Юртимиздаги ёзги оромгоҳлар айни кунларда таътилни орзиқиб кутган ўқувчи-ёшлар билан гавжум. Шаҳрисабз туманидаги «Шўртангазкимё» унитар корхонасига қарашли «Лочин» оромгоҳида болаларни соғломлаштириш ва мароқли дам олишини таъминлаш учун барча шароит яратилган.

Мавсумнинг дастлабки босқичида оромгоҳга мингдан ортиқ ўғил-қиз жалб қилинди. Сузиш ҳавзалари, спорт майдончалари, кутубхона ва маънавият хоналари улар ихтиёрида.

— Оромгоҳимиз анъанасига кўра бу йилги дам олиш мавсуми «Ёш тадбиркорлар» шиори остида ўтади, — дейди «Лочин» оромгоҳи раҳбари Исмат Тўрақулов. — Болаларда дастлабки бизнес ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида ушбу мавзуда дарслар ва турли ўйинлар ташкил этиш кўзда тутилган.

Суратда: «Лочин» оромгоҳи.
Ж.НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат

17 июнь – Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни

Тубсиз жарлик

Ундан ўзимизни, фарзандларимизни, яқинларимизни асрайлик

Гиёҳвандлик — бу психоактив моддаларни истеъмол қилиш натижасида юзага келадиган сурункали заҳарланиш бўлиб, у руҳий ва жисмоний қарамликка олиб келади. Гиёҳванд моддаларга героин, наша, кўкнори ва кокаин кабилар киради.

Аҳоли, айниқса, ёшлар орасида кашандалик, ичкиликбозлик каби зарарли одатларнинг тарқалиши гиёҳвандлик томон илк қадам ҳисобланади. Чунки инсон руҳияти шундайки, у бир нуқтада қотиб қолмайди, доим олдинга интилади. Энг ёмони, наркотик моддаларни доимий равишда истеъмол қилиш натижасида гиёҳвандлик касаллиги шаклланиб, беморнинг ўз иши, оиласи ва атрофдагиларга қизиқиши йўқолади. Бу иллатга мубтало бўлган инсоннинг ҳаётдаги энг биринчи мақсади гиёҳванд моддасини топишдан иборат бўлиб қолади, шу йўлда ҳар қандай жиноятга қўл уришдан ҳам тоймайди.

Ҳозирги пайтда ер куррасида гиёҳвандликнинг асосан уч хил тури тарқалган. Уларнинг биринчиси наша ўсимлиги билан боғлиқ гиёҳвандлик, яъни нашавандлик, бангилик ҳисобланади. Тиббиётда опиомания деб юритиладиган гиёҳвандликнинг иккинчи тури кўкнори ўсимлиги билан боғлиқ. Учинчи тури эса Жанубий Америкада ўсадиган кока дарахти билан боғлиқ кокаинизм гиёҳвандлигидир. Статистик маълумотларга кўра, айни пайтда дунё бўйича тахминан 80 миллион одам гиёҳвандлик дардига мубтало бўлган. Бу ер юзидаги жами аҳолининг 3 фоизини ёки 15 ёшдан 64 ёшгача бўлган аҳолининг 4,7 фоизини ташкил этади.

Ўсиб келаётган ёшларни турли зарарли одатлардан сақлаш, уларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш бутун жамоатчиликнинг, ота-оналар, ўқитувчилар, тиббиёт ходимларининг муҳим вазифасидир. Бинобарин, ёш авлод жамиятнинг муҳим бўғини, таянчи саналади. У соғлом бўлса, жамият ҳам соғлом бўлади.

Ғайратжон ИСМОИЛОВ,
Учкўприк тумани 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси

***

"Бахт" деган тушунчанинг таъриф-тавсифини келтириш қийин. Чунки бахтни ҳар ким ўзича тушунади, ўзича топади. Агар инсон огоҳ бўлмаса, барча орзу-умидлари бир онда саробга айланиши мумкин. Гиёҳвандлик эса одамзотни бахтдан айирадиган иллатлардан бири.

Таҳлилларга қараганда, агар инсон 21 ёшгача гиёҳвандликка чалинмаса, ундан кейин бу иллатга учраб қолмасликка интилади. Демак, ёшларимиз 21 ёшгача таваккалчиликка берилган бўладилар. Психологлар болалар ва ўсмирларнинг гиёҳвандликка қизиқишларининг ёшликка хос бўлган ҳою ҳавас, манманлик, ўзини "қаҳрамон" қилиб кўрсатишга интилиш, оилавий муҳит каби сабабларини келтирадилар. Айни шу омиллар туфайли киши гиёҳвандликка ружу қўяди. Бунинг оқибати эса, албатта, аянчли тугайди.

Гиёҳванд моддани истеъмол қилишни бошлаган ўспирин кўп ўтмай иложсизлик домига тушади. Пул топиш илинжида ҳатто энг тубан ишга ҳам қўл уради. Оқибатда ашаддий жиноятчига айланади.

Айрим кишилар гиёҳвандликнинг даъвоси йўқ дард, дейишади. Бу унчалик тўғри эмас. Гиёҳвандлик балосидан қутулишнинг чораси бор, албатта. Фақат бунга ишониш, ўз хатосини англаган ҳолда тузалиш учун астойдил ҳаракат қилиши керак. Бундай инсонларга ён атрофдагилар, дўст-биродарлари, қариндошуруғлари яқиндан ёрдам бериши, улар тақдирига бефарқ бўлмаслиги лозим.

Гиёҳвандлик — тубсиз жарлик. Бу жарликдан ўзимизни, фарзандларимизни, яқинларимизни асрайлик. Оғоҳ бўлиб, соғлом турмуш кечирайлик. Ҳаётимизга раҳна солувчи иллатга қарши курашиш барчамизнинг инсонийлик ва фуқаролик бурчимиздир.

Оқил ҲОТАМБОЕВ,
Наманган шаҳар 7-сон давлат нотариал идораси нотариуси

Қилмиш-қидирмиш

Ўйламай босилган қадам

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди узоқ вақтдан буён бошқалардан фирибгарлик ва товламачилик йўли билан катта миқдорда пул ундириш билан шуғулланиб келган икки шахсга нисбатан айблов ҳукмини эълон қилди.

Шундай қилиб, вилоят туманларидан бирида туғилиб ўсган, сўнгги йилларда эса Тошкент шаҳрида яшаб, бу ердаги спорт комплекслардан бирида мураббий бўлиб ишлаган 42 ёшли Сафарали Дўсанов ва унинг ҳамтовоғи — "Фарҳод" бозорида қоровул бўлиб ишлаган Абдишукур Қудратов қора курсига ўтирди.

Тергов давомида улар томонидан амалга оширилган еттита ғайриқонуний хатти-ҳаракат аниқланиб, суд давомида исботланди. Жиноий ишда қайд этилган рақамлар кўлами кишини таажжублантирмай қолмайди. Унча-бунча корхонанинг молиявий жамғармасидан ҳам кўпроқ маблағ — нақд 230 минг АҚШ доллари ва 22 миллион 500 минг сўм пул жиноятчиларнинг нафсини янада ҳакалак отишига сабаб бўлди.

С.Дўсанов ўзининг қинғир фаолиятини дастлаб 2004 йилнинг майида Сурхондарёлик И.Сайдалиевнинг ишончига кириб, ундан 10 минг АҚШ доллари қарз олишдан бошлади. Бир ойдан сўнг И.Сайдалиев С.Дўсановнинг Республика Бош прокуратурасида танишлари борлиги ва улар И.Сайдалиев раҳбарлик қилган Музработ пахта тозалаш заводидаги текширувни тўхтатишга ёрдам бериши ҳақидаги пуч гапларига ишониб, унга ўз қўли билан яна 30 минг доллар берди. Табийки, корхонани текширишга ҳеч ким аралашмади, берган пулларини эса С.Дўсанов ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборди.

2005 йилда товламачи Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги олтита хусусий фирма ҳаммуассиси, тадбиркор А.Норбековдан худди шундай алдов йўли билан 60 минг АҚШ долларини олди. Аммо хусусий фирмалар прокуратура томонидан тўлиқ текширилиб, унинг натижаларига кўра жиноий иш қўзғатилди ва А.Норбековга катта миқдорда жарима солинди. Ўз пулини қайтаришини талаб қилгани учун А.Норбеков устамон товламачи томонидан дўппослангани эса ҳаммасидан ошиб тушди.

Шу орада фирибгар лақма одамлардан мўмай пул ундиришнинг янада янги усулларини ўйлаб топа бошлади. Кимгадир 40 минг АҚШ доллари эвазига қариндошини тергов изоляторидан озод қилишни, бошқасига 16,5 миллион сўм берса, енгил автомобиль сотиб олишга ёрдам беришини ваъда берди, яна бировлардан эса шунчаки 6 миллион сўм олиб, қайтариб беришни хаёлига ҳам келтирмади.

С.Дўсановнинг ҳамтовоғи — А.Қудратов содир этилган жиноятларда бир марта иштирок этган бўлса-да, жавобгарликдан қутулиб қолмади. 2008 йилнинг кузида у жиноий шериги билан тил бириктириб, товламачилик йўли билан фуқаро Д.Оллоёровдан ҳамкорликда бизнес қилиш, яъни автосалон очиш учун 100 минг АҚШ долларини олди. Кейинчалик жабрланувчи атиги 5 минг долларини қайтариб олди, холос. Бундан ташқари, А.Қудратов била туриб содир этилиши маълум бўлган жиноятлар ҳақида тегишли идораларга хабар бермаганликда айбланди.

Фирибгарларнинг ҳийлаларидан панд еган фуқаролар ўз пулини қайтариб олишни талаб қилишга ҳар доим ҳам журъат қилиша олмаган. Негаки, улар пул талаб қилганида жиззаки «спортчи» С.Дўсанов «ишонтириш»нинг бошқа усулларини қўллаган, яъни суд терминологияси билан айтганда, зўравонлик қилган ёки куч ишлатиш орқали қўрқитган. Балки, жабрланганларни шунча миқдордаги пулларнинг келиб чиқиши, уларни фирибгарларга қандай мақсадда беришгани каби сабаблар ҳам тўхтатиб турган бўлса, ажаб эмас.

Нима бўлганидан қатъи назар, Сурхондарё вилояти МХХ бошқармаси ходимлари учун мазкур жиноятнинг изига тушиш, уни фош қилиш осон кечмади. Машаққатли изланишлар натижасида фирибгарларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларини исботловчи зарур гувоҳлик материаллари ва даъво аризаларини тўплашга эришилди.

Суд С.Дўсановни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 165-моддаси (товламачилик) 3-қисми «а» банди, 168-моддаси (фирибгарлик) 3-қисми «а» банди, 212-моддаси (порахўрликда воситачилик) 3-қисми «а» банди бўйича айбдор деб топди ва 14 йилга озодликдан маҳрум этиб, жазони умумий тартибдаги колонияда ўтишга маҳкум этди. А.Қудратов эса Жиноят кодексининг 168-моддаси (фирибгарлик) 3-қисми «б» банди, 241-моддаси (жиноят ҳақида хабар бермаганлик ёки уни яширганлик) 1-қисми бўйича айбдор деб топилди ва 7 йилга озодликдан маҳрум этилди. Шунингдек, суд жабрланганларга умумий қиймати 315 миллион 220 минг 200 сўмлик зарарни ундириш ҳақида қарор чиқарди.

Ўйламай босилган қадам ҳамиша бошга балоларни бошлаб келади, деганлари шу бўлса керак.

Gorizont.uz дан олинди

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
ПОЧТА АЛОҚАСИ
хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

СИРДАРЁ:
Мирзачўл бағридаги бўстон

(Бошланиши 1-бетда.)

— Вилоятимиз мустақиллик шарофати билан таниб бўлмас даражада ўзгарди, — дейди биз билан суҳбатда «Нуроний» жамғармасининг Гулистон шаҳар бўлими раиси Бектурсун Пирматов. — Келинг, бундан йигирма-ўттиз йиллар олдинги аҳволни бир эслаб кўринг. Одамлар биргина қон босимини ўлчатиш учун бир неча ўнлаб чақирим масофани босиб, вилоят ёки туман марказига боришига тўғри келарди. Ҳозир-чи? Ҳозир ҳар бир маҳаллада, қишлоқда сўнгги замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган врачлик пунктлари, янги-янги поликлиникалар фаолият юритаяпти. Замонавий типда қурилган, барча шарт-шароитларга эга бўлган мактаблар, академик лицей ва коллежлар, муҳташам спорт иншоотларини айтмайсизми?!

Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Сирдарё вилоятида ҳам аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш, дардмандлар дардига дармон бўлиш, касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда соҳа ходимларининг фаолият кўрсатишлари учун етарли даражада қулайликлар яратилган. Жумладан, республика шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш марказининг Гулистон бўлими ҳамда бошқа ўнлаб шифохоналар энг янги русумдаги лаборатория воситалари, стерилизация жиҳозлари, физотерапия асбоблари ва бошқа зарур тиббий ускуналар билан таъминланган. Шу сабаб мустақиллик йилларида қишлоқларда қад ростлаган 149 та қишлоқ врачлик пункти ҳамда шаҳар ва туманлар марказларида жойлашган 27 та кенг тармоқли шифохона, 35 та поликлиника хизматидан аҳоли мамнун.

Бундан икки йил муқаддам вилоятда ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари муносабати билан республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги вилоят тиббиёт муассасаларига 21 та «Тез ёрдам» автомашинаси ва флюрографик кабинети мавжуд махсус тиббий машина ажратганди. Бу ҳам, ўз навбатида, аҳоли ва шифокорлар учун катта қулайликларни яратмоқда.

Аслида, ўтган йигирма йил кекса тарих олдида жуда қисқа муддат. Аммо ўтган даврда барча соҳаларда амалга оширилган ислоҳотлар кўлами асрларга татигулик. Кейинги йигирма йил мобайнида вилоят қишлоқларида қуриб фойдаланишга топширилган замонавий мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари барчани бирдек ҳайратга солади. Банклар томонидан узоқ муддатга берилган имтиёзли кредитлар ҳисобига қишлоқларда қурилаётган, барча қулайликларга эга турар жой бинолари эса манаман деган ривожланган мамлакатлардагидан асло қолишмайди. Зотан, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори Сирдарёда ҳам янги турар жой масканларини барпо этиш жараёнини тезлаштирди. Бунинг самараси ўлароқ, кейинги йилларда 335 та уй-жой намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилиб, ўз эгаларига топширилди. Айни кунларда вилоятнинг барча ҳудудларида ана шундай уй-жойлар қурилиши жадаллик билан давом эттириляпти.

Шу ўринда истиқлол йилларида мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида улкан ижобий ўзгаришлар рўй берганини фахр ила қайд этиш жоиз. Қўлга киритилган бундай улкан муваффақиятларда сирдарёликларнинг ҳам ҳиссаси катта. Жумладан, вилоятда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Биргина жорий йилнинг уч ойи давомида эса «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» белгиси остида 26,7 миллион АҚШ доллари миқдоридаги тайёр маҳсулотлар хорижга экспорт қилинди. Бундан мамнун бўлган вилоят тадбиркорлари янада катта зафарларга эришиш учун тинимсиз изланишмоқда, чет эллик ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлашмоқда. Шунинг самараси ўлароқ, жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда ўнлаб ишлаб чиқариш корхоналари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилди, тўққиз мингта янги иш ўрни яратилди.

Вилоят иқтисодиётининг ўсишида тижорат банкларининг ҳиссаси ҳам катта бўлмоқда. Йилдан-йилга молия муассасалари томонидан ажратилаётган кредитлар миқдори ошиб бормоқда. Масалан, жорий йилнинг биринчи чорагида иқтисодиётга жалб этилган кредитлар 62,6 миллиард сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 24 миллиард сўм кўп деганидир. Айниқса, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларга ажратилган имтиёзли кредитлар ҳажми салмоқли эканини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Шу кунларда вилоятда ажойиб манзаранинг гувоҳи бўласиз: бошоқлари олтиндек товланаётган ғаллазорлар, бир текисда саф тортган ғўза ниҳоллари, ғуж-ғуж ҳосилга кирган боғлар кишининг дилини хушнуд этади. Она ер саховатидан эл-юртни баҳраманд этишга бел боғлаган фермер-деҳқонлар эса тонг саҳарданоқ сахий далалар қучоғида яратувчанлик ишлари билан машғул.

Оқолтин туманидаги "Бўстон" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Маъмур" ҳамда "Улуғбек" фермер хўжаликлари раҳбарлари, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиблари Маъмур Жунов ва Шавкат Умматов эл-юрт эҳтиромига мушарраф бўлган инсонлардир. Иккаласи ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ фермер хўжалиги ташкил этиб, бор билим ва маҳоратларига, куч-ғайратларига таянган ҳолда ишга киришгандилар. Фермер хўжаликларига кўрсатилаётган ғамхўрлик уларнинг тезда оёққа туриб олишлари учун катта далда бўлди. Эндиликда иккаласи ҳам вилоятда номи тилга тушган фермерлардан. Ҳар бирининг тўртбештадан турли русумдаги тракторлари бор, хусусий автобус ва енгил машиналари эса хўжалик аъзолари хизматида.

Саховатталаб фермерлар савобли ишларга қўл уришда ҳам бир-биридан ортда қолмаслик пайида. Бир мисол: Шавкат Умматов фермер хўжалиги ҳисобидан ҳудуддаги қишлоқ врачлик пунктини таъмирлашга ҳомийлик ёрдами сифатида 17 миллион сўм ажратди. Маъмур Жунов эса ҳудуддаги умумтаълим мактабларини таъмирлашда ўзининг кўмагини аямади. Шунингдек, Боёвут туманидаги "Тараққиёт" сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган фермер Алиқул Хонимқулов ҳам ҳамқишлоқларига ёрдам қўлини чўзишда ҳотамтойлардан қолишмайди.

— Мустақилликнинг энг катта неъматларидан бири шу бўлдики, эл-юртга юксак муҳаббат билан яшаш, садоқатли, меҳр-оқибатли бўлиш каби туйғулар кишилар қалбида қайта алангаланди, — дейди "Фарғона" шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси Йигитали Шокиров. — Биз истиқомат қилаётган ҳудуд мустақиллик йилларида шаҳарча мақомини олди. Бу ерда истиқомат қилувчилар эндиликда фақат қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиб қолмасдан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйишаяпти. Ҳудудда фаолият кўрсатаётган 72 нафар хусусий тадбиркор ва 112 нафар фермер қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш билан бир қаторда ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишларида ҳам кўпчиликка ибрат бўлишяпти. Ҳозир шаҳарчамизда кўплаб савдо ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, зардўзлик, тикувчилик цехлари ишлаб турибди. Муҳташам касб-ҳунар коллежи, умумтаълим мактаблари, болалар боғчалари, врачлик пунктлари, янги барпо этилган гузар шаҳарча чиройига чирой қўшган. Бундай қулайликларга эга масканни шаҳарга қиёсламай бўладими, ахир!

Оқсоқолнинг фахр-ифтихор билан айтган гаплари асосли. Негаки, қалбида она Ватанни шарафлаш, турмушни янада завқли, файзли қилиш туйғуси жўш урган, эзгуликка, янгиликка ташна матонатли кишилар вилоятнинг ҳар бир ҳудудида кўплаб топилади.

Буларнинг барчаси замирида вилоят иқтисодиётининг асосини ташкил этувчи аграр соҳага катта эътибор берилаётгани ётибди. Айниқса, ислоҳотлар самарасини ирригация ва мелиорацияни тубдан яхшилаш учун амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Кейинги икки йилда хорижда тайёрланган ўнта гидравлик экскаватор ва бошқа техникалар сотиб олиниши туфайли зовурлар ва хўжаликлараро каналларни тозалаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Масалан, биргина ўтган йили 279 километр масофада каналлар тозаланиб, 259 та гидротехник иншоот ва 380 та гидропост таъмирланган бўлса, 2011 йилда худди шу мақсадларга 740 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

Вилоят таълим тизимида олиб борилаётган ишлар тўғрисида ҳам мамнуният билан тўхталиб ўтиш жоиз. Зеро, республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани сингари Сирдарёда ҳам ёш авлодни маънавий ва жисмоний соғлом тарбиялашга, пухта билимли ўқитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда вилоятдаги Гулистон давлат университети, 52 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларда, 303 та умумтаълим мактабида минглаб ёшлар сабоқ олишяпти. Бу таълим масканларининг аксарияти мустақиллик йилларида бунёд этилди. Мавжудлари эса капитал реконструкция қилиниб, моддий-техник базаси юқори даражада мустаҳкамланди, деярли барчаси замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари ҳамда компьютерлар билан таъминланди.

Ёши улуғ кишилар яхши билишади, бир пайтлар вилоятда илмий даражали зиёлилар бармоқ билан санарли эди. Ҳозир эса таълим-тарбия ва тиббиёт соҳасида ўттиз нафарга яқин фан доктори, 110 нафардан ортиқ фан номзоди фаолият кўрсатаяпти. Уларнинг 28 нафари профессор экани барчани бирдек хушнуд этади.

Яна бир хушхабарни қалбимизни ифтихорга тўлдириб айтишимиз мумкинки, яқинда Гулистон шаҳрида ва Сардоба, Сирдарё туманларида янги мусиқа мактаблари қад ростлади. Улар нафақат муҳташамлиги, балки турли зарур жиҳозлар билан етарли даражада таъминлагани билан ҳам ажралиб туради.

— Юртимизда фарзандларимизнинг таълим-тарбия олиши учун яратилган шарт-шароитлар ҳар биримизни қувонтиради,— дейди Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Мирзақул Тўрабеков. — Соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида ёшларимиз соғлом, маънавий баркамол бўлиб вояга етишяпти. Бугун ўқувчиларимиз дунё миқёсида ўтказилаётган фан олимпиадаларида совринли ўринларни эгаллашмоқда. Ўз билими ва заковати билан жаҳон аҳлини ҳайратга солишмоқда.

Бугун юртимизда миллатимиз ғурурига айланган спорт саломатлик, маънавий баркамоллик, дўстлик, бирдамлик ва Ватан шуҳрати тимсолига айланган. Халқаро мусобақаларда Ватанимиз байроғини юксакка кўтараётган ўғил-қизларимиз орасида сирдарёлик ёшларнинг ҳам борлиги қувончли, албатта. Сарвиноз Қурбонбоева, Умиджон Аҳмедов, Севара Мирзабекова, Васфия Бердиқулова, Самандар Калонов, Нигина Жабборова, Руслан Наурзалиев, Алишер Абдуллаев каби истиқлол йилларида камол топган ўнлаб сирдарёлик спортчилар қитъа ва жаҳон миқёсидаги турли мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келишмоқда. Янгиер шаҳридаги футбол мактаби тарбияланувчилари Илҳомжон Суюнов, Жасур Ҳасанов, Аббос Мақсудалиев сингари ўнлаб иқтидорли футболчиларнинг номи нафақат мамлакатимизда, балки дунёнинг кўпгина давлатларида таниқли.

Ҳозир вилоятда спортнинг шахмат, шашка, армрестлинг, кураш, эркин ва юнонрум кураши, академик эшкак эшиш, каратэ, самбо каби турлари оммавийлашиб бормоқда. Ишонамизки, мана шу спорт турлари билан шуғулланаётган ёшлар орасидан ҳам, албатта, чемпионлар етишиб чиқади.

Ҳа, бу муқаддас замин ҳар биримиз учун маънавий камолот, бахт-саодат инъом этувчи маскан. Энг тотли, эзгу орзуларимиз, ўтмиш ва ёркин келажагимиз шу азиз Ватан тақдири билан чамбарчас боғлиқ. Буни яхши англаган ҳар бир сирдарёлик шу юртга содиқ фарзанд бўлишга, бор меҳр-муҳаббати ва куч-ғайратини Ватан равнақи, камоли йўлида бахшида этишни ўзига шараф деб билади.



Элмурод МАВЛОНОВ,
«Сирдарё ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири ўринбосари,
Азим РЎЗИЕВ,
«Hurriyat» мухбири

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ корхона ва ташкилотларга КУРЬЕРЛИК хизматини таклиф этади
Телефон: (8 371) тел: 233-57-47; факс: 236-09-21
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

Жамият ривожида ОАВнинг роли

(Бошланиши 1-бетда.)

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Абдурашид Жўрабоев сўзга чиқиб, мамлакатимиз ривожланиш босқичидаги энг долзарб масалалардан бири — фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ахборот соҳасини ислоҳ этишнинг долзарб вазифалари ҳақида тўхталди. Шунингдек, нотиқ ўз маърузасида мамлакатни модернизация қилишда оммавий ахборот воситаларининг бевосита иштироки ва уларнинг эркин фаолиятини таъминлаш юзасидан амалдаги қонунлар, бу борадаги қонун ижодкорлиги фаолиятини муфассал таҳлил қилди.

Фуқароларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги амалий иштирокини таъминлаш учун, албатта, ахборот эркинлигига эришиш зарур. Оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган даражада очиқ минбарга айлантириш бугунги куннинг қатъий талабига айланган.

Сир эмас, ҳозирги глобаллашув шароитида ҳар қандай давлатнинг салоҳияти унинг нечоғли ахборотга эгалиги, ахборот тизимини қай тарзда йўлга қўйганлиги билан белгиланади. Шу билан бирга, ахборот оқимининг хилма-хиллиги кенг омма руҳияти ва онг-тафаккурини йўналтирувчи, шакллантирувчи куч сифатида баҳоланмоқда. Айни шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимизда ҳар кимнинг фикрлаш ва сўз эркинлиги, ахборотни олиш, излаш ва тарқатиш ҳуқуқлари, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги Конституциямизнинг тегишли моддалари билан мустаҳкамланиб, ҳар кимнинг ахборотга бўлган ҳуқуқ ва эркинликлари "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида", "Ахборотлаштириш тўғрисида", "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги каби бир қатор қонун ҳужжатлари билан кафолатланган.

Умуман, сўнгги йилларда оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларнинг очиқ-ошкоралигини таъминлаш, медиа маконга илғор ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этишга қаратилган ўнга яқин қонун ва кўплаб қонуности ҳужжатлари қабул қилинган.

— Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс, — деди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов илмий-амалий конференцияда қилган маърузасида. — Шундай экан, журналистларимизнинг ижодий фаоллиги ва маҳоратини ошириш масаласи ҳам бугунги куннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Зотан, журналистларимиз зиммаларидаги масъулият — Ватанимиз равнақига ҳисса қўшиш, эркин ва фаровон ҳаёт сари интилишимизда рўй бераётган ўзгаришлар, давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг ўзига хос йўналишлари, шунингдек, жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш йўлидаги муаммолар ечимини топишда фаоллик ва жонбозлик кўрсатишлари лозим. Шу маънода, мунтазам ўтказиб келинаётган "Атиргул", "Олтин қалам", "Йилнинг энг фаол журналисти", "Энг улуғ, энг азиз" каби кўрик-танловлар ОАВ ходимларини янги ижодий марралар сари даъват этмоқда. Тақдирланганлар орасида бошқа вилоят журналистлари қаторида фарғоналиклар ҳам бор ва улар ўзларининг фаоллашуви орқали фуқароларимизнинг жамиятдаги иштирокини таъминламоқдалар.

Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ахборот соҳасини ислоҳ этишнинг долзарб вазифаларига бағишланган конференциялар босқичма-босқич республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказилмоқда. Бугунги илмий-амалий конференция эса ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида Концепцияда белгиланган устувор масалалар ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

— Муҳтарам Юртбошимиз томонидан илгари сурилган ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги қонунчилик ташаббуслари соҳада босқичма-босқич амалга оширилаётган тадрижий ислоҳотларнинг узвий давомидир. Ахборот олишнинг эркин ва тенг ҳуқуқлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги принципини амалга ошириш, соҳада бозор механизмларини янада такомиллаштириш ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш фуқаролик жамияти институтлари тизимида ОАВнинг ролини янада кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни яратишни назарда тутади, — деди анжуманда ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этган Республика Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари мудири Саидғани Насретдинов.

Маълумки, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш фуқаролик жамиятининг муҳим белгиларидан бири саналади. Шу нуқтаи назардан Концепцияда оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш, давлат органлари ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтириш мақсадида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш ҳамда соҳага оид бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилган эди.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори ўринбосари Асаджон Хўжаевнинг мазкур қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузаси тафсилоти вилоятлар оммавий ахборот воситалари вакилларининг музокараларидаги иштирокини қизғин тус олдирди. Сўзга чиққанлар илмий-амалий конференциянинг минтақавий аҳамияти ҳақида тўхталиб, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб боришнинг ҳуқуқий механизмларини яратиб, давлат органларининг ахборот хизматлари ва медиа тузилмалари ишини фаоллаштиришга, улар томонидан маълум бир муддатларда брифинг ва матбуот анжуманлари ташкил этишга, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг очиқ-ошкоралигини таъминлашга, оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларини қисқартиришга, ахборот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини кучайтиришга бевосита хизмат қилажагини таъкидлашди.

— Ҳаммамиз яхши биламизки, — деди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилоят бўлими раиси Муҳаммаджон Обидов, — бугун ҳар қандай ОАВнинг ахборот маконида ўз ўрнини топиши, ривожланиши унинг олдида турган энг асосий вазифа ҳисобланади. Ўзаро рақобат майдонида фақат иқтисодий жиҳатдан мустақил ва мустаҳкам бўлган оммавий ахборот воситасигина ўз мавқеини сақлаб қолиши мумкин. Ҳозирги кунда вилоятимизда 82 та босма, 6 та электрон ахборот воситалари ўз олдида турган мана шундай масалаларни чуқур ҳис қилган ҳолда фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, интернет тизимида фуқароларнинг фаоллиги тобора ошаётганини ҳам ҳисобга олиш керак. Давр ўтиши билан ОАВнинг шакли, мазмуни ўзгариш баробарида уларни иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш механизми ҳам ўзгариши табиий. Шундай экан, Президентимиз таъкидлаганларидек, "Оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари механизмларини кучайтириш ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий қилиш билан бевосита боғликдир".

"Қишлоқ ҳаёти" газетаси бош муҳаррири Чори Латипов кун тартибидаги масалалар ҳақида ўз қарашларини ифода этар экан, оммавий ахборот воситалари қайси соҳага мансуб бўлишидан қатъи назар, аввало, ўз фаолиятини омма манфаатига, унинг онгига йўналтирган бўлади. Шу нуқтаи назардан қишлоқ меҳнаткашлари, уларнинг турмуш тарзи ва ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг бош мавзуси эканлигини, Концепцияда таъкидланган вазифалардан келиб чиқиб, қишлоқ аҳолисининг жамиятни ривожлантиришдаги фаоллигини таъминлашда мазкур нашрнинг ҳам вазифаси ва ўрни борлигини таъкидлади.

Конференцияда парламент қуйи палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзолари — Ш.Деҳқонов, Н.Муродов, Ҳ.Каримова, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори ўринбосари Р.Сафаев, Ўзбекистон ЭОАВ Миллий ассоциацияси ҳудудий телестанциялар билан ишлаш бўлими бошлиғи Б.Тошпўлатов, "Моҳият" газетаси бош муҳаррири А.Азимов, "Халқ сўзи" газетасининг Фарғона вилоятидаги мухбири Н.Собиров, "Андижоннома" ва "Андижанская правда" газеталарининг бош муҳаррири А.Даминов ва бошқаларнинг чиқишларида ҳам Концепцияда белгиланган барча йўналишларнинг амалга оширилиши нафақат миллий ахборот маконини изчил ривожлантириш, ахборот соҳасини янада либераллаштириш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, миллий матбуотимизнинг сифатини, маҳорат ва таъсирчанлигини оширишга, балки бир сўз билан айтганда, жамиятни ривожлантиришга бевосита хизмат қилажаги алоҳида эътироф этилди.

М. ЎКТАМОВ

Ёшлар ўқуви

Билим ва амалиёт уйғунлашуви

Кучли фуқаролик жамиятининг асосий хусусияти оммавий ахборот воситаларининг эркин ва мустақил фаолият юритишида кўринади. Шу боис мамлакатимизда ахборот соҳасини ислоҳ этиш жараёнида ОАВни эркин ва жадал ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада мустаҳкам қонунчилик базаси яратилиб, истиқлол йилларида ахборот соҳасига доир ўнга яқин қонун ҳужжатлари қабул қилингани ва мамлакатимиз ахборот бозорида нодавлат ахборот воситаларининг улуши тобора ортиб бораётгани сўзимиз тасдиғидир. Ҳозир республикада фаолият кўрсатаётган 1200 дан зиёд ОАВнинг 53 фоизи нодавлат секторга тегишли. Шубҳасиз, бундай ўзгаришлар оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги роли ва ўрни ортиб бораётганининг далолатидир. Бироқ юртимизда ОАВ фуқаролик жамиятининг чинакам кучли институтига айланиши учун уларнинг ички потенциалини ҳам бойитиб бориш талаб этилади. Ғап ёш журналистларнинг профессионаллик даражасини ошириш ҳақида кетмоқда.

Ўтган йиллар давомида юртимизда дунёдаги етакчи давлатлар тажрибасига таянган ҳолда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш миллий тизими яратилди. Хусусан, профессионал журналистлар малакасини ошириш, соҳадаги илғор тажриба ва усулларни ўзлаштиришига кўмаклашиш масаласига ҳар қачонгидан ҳам эътибор кучайди. Айниқса, сўнгги йилларда журналистиканинг мутлақо янги шакли — интернет журналистикасининг пайдо бўлиши ва шиддат билан ривожланиши соҳа ходимлари билимини муттасил равишда такомиллаштириб боришни тақозо қилмоқда. Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ўз фаолиятида бу масалага алоҳида эътибор қаратган. Хусусан, асосий йўналишлардан бири сифатида босма ОАВ ва ахборот агентликларида ишлаётган журналистлар учун ўқув семинарлар ва ўқув форумларини ташкил этиб келмоқда. Шу йўналишда ўтган йили «Республика ҳудудий босма ОАВда фаолият юритаётган журналистларнинг марказий нашрларда малакасини ошириш» лойиҳаси ишлаб чиқилганди.

Лойиҳа доирасида 2010 йилда саксон нафарга яқин ёш журналист мамлакатимиздаги етакчи газета ва журналлар, ахборот агентликлари таҳририятларида малака оширишди. Жорий йилда эса лойиҳанинг иштирокчилари ва мавзу кўлами анча кенгайди. Унга ҳудудлардаги журналистлардан ташқари «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг ҳудудий бўлимлари қошида тузилган «Келажак пресс» матбуот марказлари координаторлари ҳам жалб этилди. Шунингдек, малака ошириш жараёнида ёш ва ҳаваскор журналистларнинг асосан интернет журналистикасидаги иш тажрибасини ўзлаштиришига алоҳида аҳамият қаратилди.

Таъкидлаш керакки, 2008 йилда «Келажак пресс» матбуот марказлари Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг ҳамкорликдаги лойиҳаси асосида ташкил этилган эди. Ҳозир юртимизнинг барча ҳудудларида мавжуд бўлган ва жамоат фонди томонидан ажратилган грант маблағлари ҳисобига замонавий техник жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган бундай марказлар журналистикага қизиқувчи кўплаб ёшларга яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

— «Республика ҳудудий босма ОАВда фаолият юритаётган журналистларнинг марказий нашрларда малакасини ошириш» лойиҳасига "Келажак пресс" матбуот марказлари фаолларини ҳам жалб этишга қарор қилганимиз бежиз эмас, — дейди жамоат фондининг ўқув маркази раҳбари Дилноза Қаюмова. — Чунки улар соҳага қизиққан ёшларга илк амалий кўникмаларни беришда бизга катта амалий ёрдам кўрсатишлари мумкин. Бунда Марказлар қошида ташкил қилинган маҳорат мактаблари қўл келади.

Бир ҳафта давомида пойтахтда малака оширган "Келажак пресс" матбуот марказларининг йигирма олти нафар фаоли (ҳар бир ҳудуддан иккитадан) "Халқ сўзи" — "Народное слово", "Ўзбекистон овози" — "Голос Узбекистана", "Маърифат" — "Учитель Узбекистана" газеталари таҳририятида амалиёт ўташди. Шунингдек, марказий нашрларнинг интернетдаги веб-сайтлари ва уларнинг бугунги кундаги ҳолати билан танишишди.

Ташрифнинг учинчи кунида "Uzinfocom" маркази тажрибаси билан танишув лойиҳа иштирокчиларига интернет журналистларининг бевосита иш жараёнида қатнашиш имконини берди. Жамоат фондининг техник базасида улар учун бир кун давомида сайтлар билан ишлаш амалиёти ўтказилиб, ҳар бир иштирокчи интернет сайти учун алоҳида материал тайёрлаган ҳолда уни шу пайтнинг ўзида веб-ресурсга жойлаштиришни ўрганди.

— Мен Theatre.UZ/2011" халқаро театр фестивалининг ўтказилиши муносабати билан ташкил этилган матбуот анжуманида қатнашиб, сайт учун хабар тайёрладим, — дейди "Келажак пресс" матбуот марказининг Хоразм вилояти бўлими фаоли Хосият Боймуродова. — Интернет журналистикасининг жанр хусусиятлари, мавзуга ёндашув ва фактлар талқини каби бир қатор жиҳатлар билан анъанавий журналистикадан фарқланишини маърузалар орқали билиб олгандик. Уларни амалиётда синаб кўриб, билимларимизни янада мустаҳкамладик. Пойтахтда ташкил қилинган бундай ўқувлар келгуси фаолиятимизда асқотишига ишончим комил.

Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида "Интернет журналистининг услуби: жозибакор сарлавҳалар" мавзуида ташкил қилинган семинар ҳам лойиҳа иштирокчилари учун алоҳида самарага эга бўлди. Семинарни олиб борган Интернет журналистикаси ва информацион технологиялар кафедраси жамоаси интернет журналистикасининг истиқболи, соҳада қўлга киритилаётган ютуқлар хусусида маълумот бердилар. Семинар давомида ёш журналистларнинг интернет журналистикаси соҳасидаги билимини аниқлаш мақсадида тест ўтказилиб, энг билимдон иштирокчиларнинг ўн беш нафарига кафедра томонидан чиқарилган янги ўқув қўлланмаси тақдим этилди.

Интернетда фото журналистикадан фойдаланиш маҳоратига бағишланган навбатдаги семинар Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетида бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда ахборот соҳасини ислоҳ этишнинг кейинги жараёни қандай кечиши, бунда қайси йўналишлар устувор қилиб олингани, биринчи галда, журналистлар диққат марказидаги масала ҳисобланади. Шу боис ҳаваскор журналистларни қонунчилик ташаббусининг мазмун-моҳияти билан таништириш мақсадида лойиҳа доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида "Ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашда соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари" мавзуида семинар ташкил қилинди. Унда Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзолари, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашаётган экспертлар, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Жумладан, қўмита аъзоси Хафиза Каримова иштирокчиларни "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги ва Президентимиз томонидан Концепцияда илгари сурилган бошқа қонун лойиҳаларининг мазмуни билан таништирди.

— Қонунчилик палатасидаги семинар ахборот соҳасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва энди кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаларининг моҳиятини янада чуқурроқ тушуниш имконини берди, — деб таъкидлайди "Келажак пресс" матбуот марказининг Самарқанд вилояти бўлими фаоли Сухроб Ўтамуродов. — Журналист сифатида фаолият кўрсатар эканмиз, бу қонунларни мукаммал билишимиз, энг муҳими, уларни иш тажрибамизда қўллай олишимиз керак. Зеро, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги кўп жиҳатдан қонунлар қандай ишлашига боғлиқ.

«Республика ҳудудий босма ОАВда фаолият юритаётган журналистларнинг марказий нашрларда малакасини ошириш» лойиҳасининг "Келажак пресс" матбуот марказлари фаоллари учун ташкил қилинган босқичи шу билан ниҳоясига етди. Пойтахтда малака ошириб, ўзига хос кўникма ҳосил қилган ҳаваскор журналистлар олган билимларини қолган ҳамкасблари орасида ҳам оммалаштиришади, деган ниятдамиз.

Фонд матбуот хизмати

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

ЎРМОН ЁНҒИНЛАРИ КАМАЙДИ

Lenta.ru сайтининг хабар беришича, Россияда ўрмон ёнғинлари сони бирмунча камайди. Аниқроғи, сўнгги бир ҳафта ичида ёнғин ўчоқлари 320 тадан 227 тага тушган, аммо катта кўламдаги ёнғинлар бештага кўпайган.

«13 июнь кунигача 159 та, шу жумладан, 9 та йирик ёнғин ўчоғи бартараф қилинди. 14 июнь ҳолатига кўра, 9,9 минг гектар ҳудудни қамраб олган 227 ўрмон ёнғини қайд этилди», — дейилади мамлакат ўрмон хўжалиги агентлиги хабарномасида. Шунингдек, ушбу хабарномада куни кеча мамлакатнинг Красноярск, Байкалорти, Иркутск ва Бурятия каби ҳудудларида 58 та йирик ёнғин ўчоқлари қайд этилгани эътироф қилинади.

Ҳозирги пайтда ўрмон ёнғинларини ўчириш ишига 5,6 минг киши ва 855 та техника воситаси жалб қилинган.

ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИ ЙЎҚ ҚИЛИНАДИ

Германия қишлоқ хўжалиги вазири Ильза Айгнер оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида мамлакатда айрим полиз маҳсулотларини йўқ қилишга киришилгани тўғрисида баёнот берди.

Вазирнинг таъкидлашича, ҳозиргача мўлжалланган полиз маҳсулотларининг тахминан ўн фоизи йўқ қилинган. Бундан ташқари, 5900 тонна бодринг, 3500 тонна помидор ва 1300 гектар ердаги сутчўп кўкатлари йўқ қилиниши лозим.

Баъзи бир полиз маҳсулотларида ўткир ичак касаллигини келтириб чиқарган ва 36 кишининг бевақт ўлимига сабаб бўлган хавфли инфекциянинг топилиши мамлакат ҳукуматининг ана шундай қарорга келишига сабаб бўлган. Бундан сал аввалроқ, қуйи Саксониядаги фермер хўжаликларида етиштирилган полиз маҳсулотларида инфекцияни келтириб чиқарувчи микроблар топилган эди.

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ ДИРЕКТОРИ КИМ БЎЛАДИ?



Исроил банки раҳбари Стэнли Фишер Халқаро валюта жамғармаси директорлигига номзод сифатида рўйхатга олинмади. Шу боис, айни пайтда жамғарма директорлигига икки киши — Франция молия вазири Кристин Лагард ва Мексика Марказий банки раҳбари Агустин Карсенс асосий номзод бўлиб турибди.

Фишер номзодининг нима учун рўйхатга олинмагани номаълум. Мутасаддилар томонидан Халқаро валюта жамғармаси директорининг ёши 65дан паст бўлиши кераклиги айтиляпти, холос. Стэнли Фишер эса айни пайтда 67 ёшда.

Халқаро валюта жамғармасининг 24 аъзосидан иборат ижроия қўмитаси шу йил июнь охиригача янги раҳбар номини эълон қилади. Бунинг учун номзодлардан бири кўпчилик овоз олса кифоя. Анъанага кўра, шу пайтгача жамғарма директори этиб европалик, халқаро банк раҳбари этиб эса америкалик кишилар тайинлаб келинган. Аммо охирги вақтларда жамғарма бошқарувига европалик мутахассисларнинг келиши кўпчилик давлатларнинг норозилигига сабаб бўлмоқда. Шу боис мутахассислар Агустин Карсенснинг имкониятини юқори баҳолашмоқда.

Эслатиб ўтамиз, жамғарма бошқарувига 2007 йилда келган собиқ директор Доминик Стросс-Канн Нью-Йорк меҳмонхоналаридан бирида меҳмонхона ходимаси билан бўлган машмашалар туфайли жорий йилнинг 19 май куни лавозимидан истеъфо берган эди.

ҚИЗЧАНИНГ ҲАЁТИ САҚЛАБ ҚОЛИНДИ

Калифорниядаги Дэвис университетининг болалар госпитали врачлари шифохонага қутуриш касаллиги билан оғир аҳволда келтирилган 8 ёшли қизчани даволашга муваффақ бўлишди.

Ёввойи мушук тишлаб олган қизалоқни ота-онаси токи унда касалликнинг дастлабки белгилари намоён бўлмагунча шифохонага олиб келишмаган. Бироқ вазият ёмонлаша бошлагач, дарҳол у университетнинг болалар госпиталига олиб борилган.

Таъкидлаш керакки, қутуришнинг бу босқичида даволанганлар бармоқ билан санарли.

ГАНДИНИНГ КЎЗОЙНАГИ ЙЎҚОЛДИ

Ҳиндистон ғарбида жойлашган Нагпур шаҳридаги музейдан ҳинд халқининг мустақиллик курашчиси Маҳатма Гандининг рамзи бўлган кўзойнак йўқолди. Бу ҳақда "France-Presse" ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Ҳар йили ўртача 300 минг киши ташриф буюрадиган Севаграм музейидаги ушбу ноёб кўзойнакнинг йўқолганини дастлаб музей ходимлари сезиб қолишган. Энг қизиғи, кўзойнак махсус ойна остида сақланиб, унинг ёнида Гандига тегишли бошқа шахсий буюмлар ҳам бор эди. Қолган барча нарсалар жойида, фақат кўзойнакнинг қачон ва қандай қилиб йўқолгани номаълум.

БЕКХЭМ РАД ЖАВОБИНИ БЕРДИ



Англия терма жамоасининг афсонавий футболчиси Дэвид Бекхэмга 2012 йили Лондонда бўлиб ўтадиган Олимпиадада терма жамоани мураббий сифатида бошқариш таклиф қилинганди. Бироқ, тажрибали ярим ҳимоячи Олимпиадада мураббий сифатида эмас, балки футболчи сифатида иштирок этишни исташини айтиб, рад жавобини берди.

— Мусобақанинг бошланишига яна ўн уч ой вақт бор ва ишончим комилки, мураббий сифатида эмас, балки айнан майдондаги ҳаракатларим билан кўпроқ фойда келтира оламан, — деди у оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида.

Маълумотларга кўра, аслида Лондон олимпиадасида Буюк Британия терма жамоаси иштирок этиши керак эди. Аммо Шотландия, Уэльс ва Шимолий Ирландия футболчилари Буюк Британия шарафини ҳимоя қилишдан бош тортганларидан сўнг терма жамоа сафида фақатгина инглиз футболчилари ўйнайдиган бўлишди.

Интернет хабарлари асосида Камола МИРАМИНОВА тайёрлади.

Шарҳ

Бирдамлик ва инсонийлик намунаси

Японо мўъжизаси ҳақида гапирганимизда, одатда, ҳайратимиз ҳам барморини тишлайди. Бу миллат олимларининг инсон ҳаётини енгиллаштириш мақсадида электроника, робототехника борасида олиб бораётган тажрибалари, дунёга довруғ таратаётган кашфиётлари бизни шунга мажбур қилади. Ҳа, биз иккинчи жаҳон урушида атом бомбасининг «таъми»ни тотиб кўрган, ўшанда айрим мутахассислар томонидан келажакда Африкадаги энг қашшоқ мамлакатлар қаторига қўшилиши кутилган Япония ҳақида гапираяпмиз. Аммо орадан эллик йил ўтиб, бу давлат наинки Осиё, балки Европа мамлакатларини ҳам кўплаб иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ортда қолдирди. Ер ости бойликлари ҳаминқадар бўла туриб, меҳнаткашлиги ва табиат ато этган ақл-заковат туфайли ҳар соҳада биринчиликка даъвогар эканлигини намойиш этди.



Маълумки, "кунчиқар юрт" сейсмик жиҳатдан тўртта тектоник плитанинг кесишган нуқтасида жойлашган ва 6 баллдан юқори кучда юз берадиган зилзилаларнинг деярли 20 фоизи айнан мазкур мамлакат ҳудудига тўғри келади. Шу боис, бу ерда кунда-кунора турли хил ер силкинишларининг кузатилиши одатий ҳолга айланган. Аммо шу йилнинг эрта баҳорида япон халқи яна бир катта синовни бошдан кечирди. 11 март куни рўй берган ва Рихтер шкаласи бўйича 9 баллга баҳоланган зилзила ҳамда унинг оқибатида вужудга келган цунами бутун мамлакатга мислсиз даражада катта талафот етказди. Ўнлаб шаҳарлардаги минглаб турар жой бинолари, кўприклар, йўллар вайронага айланди, автомобиллар, бир қанча кемалар фойдаланишга яроқсиз аҳволга келди, маҳаллий аэропортлар, темир йўллар фаолияти издан чиқди. Алоқа, электр, сув ва газ узатиш тармоқларига катта зиён етди. Энг ёмони, мамлакатдаги 18 та АЭСнинг 11 таси зарар кўрди. Айниқса, "Фукусима — 1" атом электр станциясида портлаш юз бериши, бунинг оқибатида озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида радиация нурлари борлиги аниқлангани нафақат маҳаллий аҳоли, балки дунё ҳамжамиятини ҳам сергак торттирди. Мутахассислар кўрилган барча зарар миқдорини 300 миллиард доллар атрофида деб баҳолашмоқда.

Афсуски, фақат шугина эмас, зилзила оқибатида ер қобиғининг сезиларли даражада деформацияси ҳам юз бергани хабар қилинмоқда. Жумладан, Хонсю оролининг шимоли-шарқида жойлашган Осика яримороли 5,3 метрга силжиган ва 1,2 метрга чўккан. Ернинг айланиш ўқи 10-15 сантиметр масофага қўзғалиши натижасида суткининг узунлиги 1,6 микросонияга қисқарган...

Юқоридагилар Японияда бўлган даҳшатли воқеликнинг қисқача ҳиссиз ва қуруқ баёни холос. Бунинг ортида яқинлари ва бошпанасидан жудо бўлган минглаб инсонларнинг аянчли тақдири ётибди. Ҳозирга қадар ҳаётдан кўз юмган ҳамда "бедарак йўқолган" деб ҳисобланганлар тахминан 30 минг нафардан зиёд экани айтилмоқда. Тасаввур қилишнинг ўзи даҳшат. Аввалига кучли ер силкиниши, қулаб тушаётган бинолар, одамларнинг дод-войлари ва ингроқлари... Бир неча сониялардан сўнг ўн метр баландликда бостириб келган цунами. Кейинги манзаралар эса бунданам аянчлироқ... Қирғоқ бўйлаб сочилиб кетган минглаб инсонларнинг жонсиз таналари, жажжи болакайларнинг, аёлу эркакларнинг мажақланган жасадлари.... Вайрона уйлар... Кўз олдингизга бу манзараларни бир келтириб кўринг-га... Йўқ, бу кунлар ҳеч бир халқнинг қисматида ёзилмаган бўлсин.

Японияликлар бошига тушган бу оғир мусибат бошқа давлатлар қатори юртимиз фуқароларини ҳам бефарқ қолдиргани йўқ. Давлатимиз раҳбарининг билдирган ҳамдардлиги ва мамлакатимиз томонидан кўрсатилган инсонпарварлик ёрдами Япония бош вазири Наото Кан, Японияннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ёсихиса Курода ва Япония ҳукуматининг бошқа расмийлари томонидан бирдек эътироф этилди. Халқимизга хос жўмардлик — «Дўст бошга кулфат тушганда билинади» ақидасининг амалда намоён этилганини яқинда Японияннинг Фукусима префектураси губернатори Юхей Сато Президентимиз Ислом Каримов номига юборган миннатдорлик мактубида ҳам алоҳида таъкидлади. Ўзбекистонга икки марта — 1999 ва 2001-йилларда ташриф буюрган Юхей Сато ташаккур изҳорларига йўғрилган мактубида жумладан: «Сизнинг префектурамизни тезда тиклаш борасидаги самимий қўллаб-қувватлашингизни юксак қадрлаймиз ва Яратгандан Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги дўстлик янада мустаҳкамланишини сўраб қоламан», деб ёзади.

Ҳа, бугун табиий офат асоратларини сабр-қаноат билан мардонавор енгиб ўтаётган Япония даҳшатли воқеликни бошидан ўтказди. Аммо ана шундай таҳликали вазиятда ҳам япон миллати ўзининг жипслигини, бир ғоя атрофида мустаҳкам ва бардавом бирлашганини, юксак матонати ва тотувлигини жаҳонга намоён қила олди.

Тўхтовсиз ер силкинишлари рўй бераётган кунларда ҳам хорижга эвакуация қилинганлар фақат чет эллик фуқаролар бўлди. Япон халқининг оғир дамларда ўзини йўқотмасдан синовларни сабр-бардош, вазминлик, ҳамжиҳатлик билан енгиб ўтишга интилаётгани инсонпарварлик ёрдамларини қабул қилиб олишда, дўконлардан маҳсулот харид қилиш чоғида одамларнинг тартибни сақлаб, бир-бирларига ҳурмат билан муносабатда бўлаётганида ҳам яққол кўринди. Энг асосийси эса, фалокат пайтидаги эгасизликлардан фойдаланиб, ўзгалар мулкига кўз олайтириш, нарх-навонинг кескин ошиб кетиши ҳолатлари мутлақо кузатилмади. Таъбир жоиз бўлса, офат японияликлар орасидан меҳр-оқибатни кўтара олмади. Ҳатто японияликлар ёши катта кишилар фарзандларининг келажакда тинч-тотув ва соғлом ҳаёт кечириши учун кўнгиллилар қаторида радиация тушган ҳудудлардаги текширув ва қайта-тиклов ишларига бормоқдалар. Ўлимнинг кўзига тик боққан бу инсонларнинг мақсади битта — фарзандларининг бахти, ниятлари ягона — япон халқи келажагининг бардавомлиги ва саодати. Бу каби ҳолатлардан бошга ташвиш тушганда хориждан бошпана излаб қоладиган, саховат, инсонийлик каби олижаноб туйғулардан тобора мосуво бўлиб, ғариблашиб кетаётган айрим Ғарб давлатлари фуқаролари таажжуб билан ёқа ушладилар. Ҳа, япон халқи бошларига тушган оғир кунларда барчага ўрнак бўлароқ, бирдамлик ва инсонийлик намунасини кўрсатди. Ҳарҳолда, «Нур Шарқдан» деб бежиз айтилмагани яна бир карра ўз исботини топди. Япония тез орада яна қаддини тиклашига, аввалгидан ҳам қудратлироқ давлатга айланишига шубҳа йўқ.

Иномжон АБДИЕВ

TURON BANK

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодиётида қўлга киритилган ютуқларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўрни катта бўлмоқда. Бу юртимизда иқтисодиётнинг мазкур секторини ривожлантиришга, қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилаётганининг самараси, десак хато бўлмайди. Қолаверса, кичик корхоналар, муассасалар, ташкилотлар бозор иқтисодиётига тез мослашувчан бўлиб, талабдан келиб чиққан ҳолда, йўналишини тезда ўзгартиради. Энг асосийси, уларда бир пайтнинг ўзида кўплаб янги иш ўринлари ташкил этиш имконияти ҳам юқори.

Молия муассасаларида

Кичик бизнес — иқтисодиёт таянчи

АТБ "Туронбанк" томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланиб келинмоқда. Бунинг исботини биригина мазкур молия муассасасининг Наманган вилоят филиалида амалга оширилаётган ишлар мисолида яққол кўриш мумкин. Хусусан, банкнинг молиявий кўмагида вилоятдаги «Бебаҳо дизайн» хусусий корхонасида 150 миллион сўм кредит эвазига қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, мингбулоқлик фермерлар олинган кредитга хориждан наслдор қорамоллар келтириб, чорвачилик комплексини ишга туширишди. Бу лойиҳага "Туронбанк" томонидан 200 минг Евро миқдорида кредит ажратилди. Ушбу ишлар самараси ўлароқ, маҳаллий ёшларнинг кўпчилиги иш билан таъминланди.

Шунингдек, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 июндаги «Айланма маблағларни тўлдириш учун тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш ҳисобига экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида банк томонидан талай ишлар бажарилмоқда. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналарга тижорат банки томонидан кредитлар икки баробарга ошди. Бу сармоялар, ўз навбатида, корхоналарнинг хомашё ресурсларига бўлган талабини ўз вақтида қондириш билан бирга, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмининг жадал суръатда ўсишини таъминламоқда.

"Angeline Cosmetics" қўшма корхонаси ўтган йилда ўз фаолиятини бошлаган эди. "Туронбанк" томонидан берилаётган имтиёзли кредитлар натижасида мазкур корхонада сифатли маҳсулотлар тайёрлашга эришилди.

— Корхона фаолиятини йўлга қўйишда тадбиркорларга берилаётган имтиёзлар қўл келди, — дейди қўшма корхона бош директори Фарҳод Юсуфохунов. — Чет эллик ҳамкорларимиз билан жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган технологик линияларни олиб келиб, жуда қисқа фурсатда маҳсулот ишлаб чиқаришга эришдик. Ҳозир корхонамизда 16 нафар киши иш билан таъминланган.

Сирасини айтганда, бугун ушбу корхона сингари яна кўплаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодиётимиз ривожида асосий куч сифатида кундан-кунга шаклланиб бораяпти. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, "кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам — таянчи бўлиши шарт".

Ислом СУЛТОНОВ, "Hurriyat" мухбири

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz; E.mail: oao@post.uz

Тараққиёт робиталарида

Соч толаси юз мингтага бўлинади

Кўпчилик юртдошларимиз «Маҳаллада дув-дув гап» фильмини мириқиб томоша қилишган. Ёдингизда бўлса, ўша фильмда шундай эпизод бор: Тошкентда кўп қаватли уйларнинг юқори қаватларига одамларни лифт аталмиш ускуна «лип» этиб олиб чиқишини эшитган онахон: «Вой, тиниб-тинчимаган одамлар-ей, нималарни ўйлаб чиқаришмайди-я?!.» дея ҳайратга тушади. Ҳатто бир куни баланд биноларнинг «сурат»ини чизувчи архитектор қизни излаб қурилиш майдонига келганида юқори қаватларга олиб чиқилиши лозим бўлган бетон плита устига ўтиради. Бундан бехабар кранчи плитани юқорига кўтаради, аммо онахон бундан сира қўрқмайди...



Ҳўш, «тиниб-тинчимаган одамлар» келажакда сизу бизга қандай «сюрприз»лар тайёрлашаяпти? Албатта, бундан бохабар бўлсак, янгиликларга дуч келганимизда кинодаги онахон каби «қўрқмай» қарши оламиз. Ушбу мақолада инсониятга яратиладиган навбатдаги қулайликлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Кейинги пайтларда оммавий ахборот воситаларида «нанотехнология» атамаси тез-тез зикр этиладиган бўлиб қолди. Физика, кимё, тиббиёт ва биология соҳаси олимлари «нано» сўзини «миллиарднинг бир бўлаги» деб аташни афзал биладилар. Масалан, бир нанометр 1 метрнинг миллиарддан бир улушига тенг. Агар одам соч толасининг йўғонлиги бир нанометрдан тахминан 100 минг марта катталигини инобатга олсак, хулоса чиқариш ўзингизга ҳавола.

«Нанотехнология» тушунчасининг умумэътироф этилган яхлит мазмуни бўлмаса-да, махсус мақсадларга эришиш имконини берадиган заррачаларни яратиш орқали физик ва кимёвий хоссалари тубдан фарқ қиладиган янги ёрдамчи воситалар, материаллар яратиш, узунлиги 1 дан 100 нанометргача бўлган заррачалар ҳамда молекулалардан иборат структуралар тушунилади. Бу моддани бошқаришдан атом (молекуланинг бир бўлаги)ни бошқаришга ўтишни англатади.

Мазкур янги технология шарофати билан ҳозирги пайтда ўлчами атом ва молекулалар ўлчамига тўғри келадиган схемаларни тайёрлашда, алоҳида атом ҳамда молекулаларни бошқариш, улардан махсус микрообъектларни йиғишда кенг фойдаланилаяпти. Кундалик ишда яқин кўмакдошга айланган компьютерлар, қўл телефонлари, жажжигина эканига қарамай анча муддат тўхтовсиз ишлай оладиган рақамли диктафон, видеокамера ва фотоаппаратларни нанотехнология ҳосиласи деса бўлади.

1974 йили япон физиги Норио Танигучи ўлчами 1000 нанометрдан кичкина механизмларни «нанотехникалар» деб атади ва ушбу терминни илмий адабиётга киритди. 1981 йилда немис физиклари – Герд Беннинг ва Гейнрих Рорер моддаларга атом ҳолатида ҳам таъсир ўтказувчи ускуна — туннелли микроскопни ихтиро қилишди. Орадан 4 йил ўтиб, олимлар ушбу кашфиёт учун халқаро Нобель мукофотига муносиб кўрилди. Орадан яна 4 йил ўтиб, АҚШлик физиклар — Роберт Керл, Хэрольд Крото ва Ричард Смолли диаметри 1 нанометрли предметларни аниқ ўлчаш технологиясини яратдилар. 1986 йилда эса атом қувватли микроскоп дунё юзини кўрди. Унинг туннелли микроскопдан фарқи шунда эдики, бу микроскоп ёрдамида ўзидан электр токини ўтказмайдиган юзаларни ҳам ўрганишга имкон туғилди. Голланд физиги Сеез Деккар 1998 йилда нанотранзистор яратишга эришди. Шундан сўнг саноатда нанотехнологик усуллар кенг қўллана бошланди.

Бугунги кунда нанотехнологиялар ҳаётимизнинг турли соҳаларига чуқур кириб келмоқда. Масалан, компьютер технологиялари соҳасида олиб борилаётган изланишлар натижасида квант информатикаси фани юзага келди. Мазкур соҳа нано ўлчамли процессорларга эга бўлган квант компьютерларни яратиш ва уларга дастурлар ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Бу квант компьютерларда ҳисоблаш жараёни ўз-ўзидан ўта юқори тезлик, ихчамлик ва самарадорлик таъминланади, дегани, албатта.

Нанотехнологияларнинг тиббиётга жорий қилиниши ҳам муҳим кашфиётлар учун замин бўлмоқда. Жаҳондаги етакчи илм-фан марказларида дорини айнан касалланган жойга тўғридан-тўғри етказиб бериш мақсадида нанокапсулалардан фойдаланиляпти. Дори-нанокапсулаларнинг афзаллиги шундаки, улар тананинг соғлом қисмига зарар етказмай, фақат касалланган ҳужайрага етиб бориб, тиббий таъсир ўтказади. Шунингдек, бу технология аграр хўжаликда маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлашда, ўсимликшуносликда, қишлоқ хўжалиги техникаларини такомиллаштиришда ҳам кенг қўлланилмоқда.

Жаҳон илм-фанига, маданиятига боболаримизнинг нечоғли улкан ҳисса қўшганлари ҳақида кўп ёзилган. Ер шарининг думалоқлигини тасаввур қилган, Америка қитъасини назарий жиҳатдан кашф этган Абу Райҳон Беруний, 1018 та юлдузлар жадвалини тузган Мирзо Улуғбек, тиббиётда беҳисоб дардларга даво топган Абу Али ибн Сино, юзлаб шоир ва ёзувчи бажариши мумкин бўлган ишни бир ўзи уддалаган ҳазрат Алишер Навоий, дунёга ҳисобкитобни ўргатган, аниқроғи, «алжабр» (алгоритм) тушунчасини ихтиро этган Хоразмий... Эҳ-ҳе, бундай улуғ алломаларнинг рўйхатини қанча давом эттириш мумкин. Ана шундай улуғ зотларнинг ворислари — бугунги ўзбек олимлари янги-янги ихтиролар устида бош қотираётганларини қаламга олиш эса янада мароқли!

Нанотехнология соҳасида юртимиз олимлари ҳам бир қатор изланишлар олиб бормоқдалар. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иссиқлик физикаси бўлимида наноматериалларнинг хусусиятларини ўрганувчи таркибий акслантиришлар илмий-тадқиқот маркази ташкил этилган. Бу ерда Марказий Осиёда ягона саналмиш ёритиладиган электрон микроскоп ўрнатилган бўлиб, у нанозаррачалар тасвирини олиш ва уларда кечаётган жараёнларни ўрганиш имкониятини яратди.

— Бунинг натижаси ўлароқ, водород энергетикаси олдидаги долзарб вазифалар, нанотузилишли суюқлик асосида яратилган иссиқлик узатгич, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашиш воситаси, нурланувчи диодларга оид илмий лойиҳалар устида иш бошлашга киришилди, — дейди Фанлар академияси ҳузуридаги Иссиқлик физикаси бўлимининг кўп тизимли муҳитлар лабораторияси мудири, физика-математика фанлари доктори Сирожиддин Мирзаев. — Марказда яратилган иссиқлик узатгичлар маҳаллий шароитга мослиги, чет элларда тайёрланаётган турдош маҳсулотларга нисбатан арзон ва сифатли экани билан ажралиб туради. Янги восита совуқда ҳам, жазирама иссиқда ҳам ўз хусусиятини йўқотмайди. Шу боис, қуёш энергияси асосида ишлайдиган бундай қурилмалардан бино ва иншоотларни иситиш ҳамда иссиқ сув билан таъминлашда кенг фойдаланилаяпти. Биз Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг янги инновацион грантини ютиб олишга муваффақ бўлдик. Ундан инсон танасидаги рак тўқималарини йўқотишни тезлаштирадиган сенсибилизаторлар тайёрловчи ускуналар ва лазер қурилмаларини яратишда фойдаланмоқчимиз. Ана шунда биз яратган нанокапсулалар ёрдамида зарур дорилар инсон танасидаги рак хасталигига чалинган ёки шунга мойил тўқималарга (бошқа ҳужайраларни шикастламаган ҳолда) тўғридан-тўғри етиб бора олади. Беморлар лазер ёки кимётерапия усуллари орқали даволаниш пайтидаги ноқулайликлардан халос бўладилар.

С.Мирзаевнинг таъкидлашича, республика миқёсида ўтказилган IV инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар кўргазмасида Фанлар Академиясининг Иссиқлик физикаси бўлимида тайёрланган маҳсулотларга, хусусан, тиббиётда фойдаланиладиган анжомларга катта қизиқиш билдирилди. Шу боис, бугунги кунда «Супромед» илмий-ишлаб чиқариш корхонасида 20 хилдан кўпроқ маҳсулотлар тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Дарвоқе, ушбу мақолани ёзиш учун фактлар йиғиш чоғида ҳеч бир инсонни бефарқ қолдирмайдиган бир маълумотга дуч келдим. Олимлар айни пайтда нанотехнология имкониятларидан келиб чиқиб, келажакда инсон танасининг касалга чалинган аъзосини даволовчи молекуляр нанороботларни яратишдан ташқари, ҳужайраларнинг қаришига қаршилик кўрсатувчи воситаларни ўйлаб топиш хусусида ҳам бош қотиришаётган экан. Унга кўра, инсон организмидаги ҳужайралар қирилишининг олдини олувчи, танадаги тўқималар ишлашини яхшиловчи молекуляр нанокапсулаларни инсон организмига киритиш устида изланишлар бошланибди.

Тасаввур қилинг: юрак хуружи, қон босимининг у ёки бу томонга ўзгаришидан, қандли диабет ёки инсультдан азоб чекиб, яратувчанликдан узоқлашган тажрибали мутахассис келгусида бу дардлардан халос бўлса, жамиятга қанчалар наф келтиради! Тағин алкоголизм, кашандалик, гиёҳвандлик каби иллатлардан қутулган минглаб, миллионлаб одамларни кўз олдингизга келтиринг. Бундайларнинг руҳиятида нохуш майлларни уйғонган заҳотиёқ наноробот «қириб» турса.

Кечагина уйимизга телефон ўрнатиш учун соҳа ходимларининг эшигига қатнайвериб, асаблар қақшаган бўлса, бугун бу матоҳни чўнтагимизда олиб юрибмиз. Хоҳлаган жойда ўзимизга керакли одам билан гаплашиш имконига эгамиз. «Уяли телефон» деб аталмиш бу матоҳ эндиликда соат неча бўлганини, тақвимни, бажаришимиз лозим бўлган юмушни кўрсатибгина қолмай, интернет орқали биз истаган маълумотларни олишда ҳам кўмаклашмоқда. У ҳатто суҳбатни ёзиб олиш, видеотасвирга туширишда ҳам беминнат хизмат қиляпти. Нанотехнологиянинг ҳаётга жорий этилиши боис бундан юз, балки минг карра кўпроқ янгиликлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Уларни табиийки, бир мақолага сиғдириб бўлмайди.

Тараққиёт давом этади. Инсоният ҳаёт тарзи олимларнинг кашфиётлари эвазига яхшиланиб бораверади.

Матёқуб НАРЗИЕВ,
«Hurriyat» мухбири

Банк ва мижоз

Ишончли ҳамкор, молиявий кўмакдош

AGROBANK



Истиқлол йилларида ҳукуматимиз томонидан банк тизимига берилаётган эътибор иқтисодий ислоҳотларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Бунинг натижасида кўплаб янги инвестициион лойиҳалар амалга жорий қилиниб, янги иш ўринлари барпо этилмоқда, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда.

ОАТБ "Агробанк"нинг Бухоро вилоят бошқармаси ва унинг негизидаги 11 та филиал, 18 та мини банк ҳамда 23 та махсус кассалардан иборат йирик жамоа мижозлар фаолиятининг ривожига муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Банк томонидан жорий йилнинг дастлабки 5 ойи давомида пахта ҳосили етиштириш учун 35308 миллион, ғалла ҳосили учун 7724 миллион сўм имтиёзли кредитлар, 2383 миллион сўм миқдорида тижорат кредитлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва етиштириб берувчи фермер хўжаликларига иқтисодий кўмак сифатида ажратилди. Бундан ташқари, хориждан наслли қорамоллар харид қилиш учун 1768 миллион сўм, балиқчилик соҳасига 105 миллион сўм, паррандачиликни ривожлантириш учун эса 280 миллион сўмлик муддатли кредитлар берилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига 9526 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилиб, прогноз кўрсаткичлар режаси 102 фоизга бажарилди. Ушбу кредитлар ҳисобига 1759 та янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, Президентимизнинг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида банк маблағлари ҳисобидан 119 нафар фуқаро 416,2 миллион сўмлик микрокредитлар билан таъминланди. Ушбу банк кредитлари, пировардида, аҳолининг доимий иш билан бандлигини таъминлаш баробарида халқимиз турмуш фаровонлигининг юксалишига хизмат қилмоқда.

Мижоз — банк учун эмас, банк — мижоз учун хизмат қилиши давр талаби. Шу маънода ҳар бир банкнинг нуфузи ва салоҳияти унинг мижозлари ҳамда кўрсатилаётган хизмат турларининг кўплиги, самарадорлиги билан баҳоланади. Ўтган йилнинг 1 июнь ҳолатида банк мижозлари сони 15824 тани ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда 16524 тадан ортиқ юридик ва жисмоний шахслардан иборат кенг соҳа вакилларига комплекс хизматлар кўрсатилмоқда. Мижозларнинг 8959 таси кичик бизнес субъектлари, 7565 таси эса деҳқон ва фермер хўжаликларидир. Албатта, мижозлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 700 тага ошгани мазкур банк ходимларининг ютуғидир.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талабларидан келиб чиқиб филиаллар томонидан хизмат кўрсатувчи савдо ва хизмат кўрсатувчи шохобчаларга 1231 та терминал ўрнатилди, — дейди ОАТБ "Агробанк" вилоят бошқармаси бошлиғи Барака Тошбоев. — Туман марказларидан узоқ бўлган аҳоли пунктларига пластик карточкалардаги маблағларни юклаб олиш учун 38 та инфокиоск автоматлари жойлаштирилгани эса аҳоли учун яна бир қулайлик бўлди. Бугунги кунда вилоят бошқармаси ва унинг негизидаги филиаллар томонидан мижозларга 123592 дона пластик карточка тарқатилган.

Шу кунларда қўшни Туркманистон Республикаси билан туташ вилоятнинг Қоровулбозор туманида



ғалла ўрими авжида. Халқимиз ризқ-рўзини нест-нобуд қилмай омборларга киргизиш учун барча соҳа вакиллари қатори мазкур банк тизими ходиму мутахассислари ҳам жонбозлик кўрсатишяпти. Сарҳадсиз далалар узра ғалла ўраётган комбайнчи-операторларга, фермер хўжаликлари ишчи-ходимларига иш ҳақи даланинг ўзида тарқатилмоқда.

— Халқимизда ерга сув — элга ҳосил, деган ибора бор. Мазкур тумандаги пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган 210 та деҳқон ҳамда фермер хўжалиги "Агробанк" томонидан ажратилган кредитлар эвазига янги техника, маҳаллий ўғит харид қилиб катта хирмон барпо этишди. Биласизки, чўл шароитида пахта, ғалла етиштириш катта меҳнат талаб қилади. Ҳудудлардаги 3330 километрли суғориш тармоқлари ва барча гидротехник иншоотлар мавсумга шайлангани ижобий самара бермоқда, — дейди "Шохруд-Дўстлик" ирригация тизими бошлиғи Ҳасан Тагиев.

Кўриниб турибдики, "Агробанк" томонидан ажратилаётган маблағлар эвазига вилоятда нафақат ишлаб чиқариш ва сервис хизмати, балки аграр соҳа ҳам ривож топмоқда. Бу халқимиз турмуш фаровонлиги яхшиланиб, яшаш тарзи ўзгариб бораётганидан далолатдир.

Шавкат НОСИРОВ,
"Hurriyat" мухбири ®

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

МАЪНАВИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига номзодлар

Нурли чизгилар

XX аср дунёнинг катта қисмида фалсафа, тарих, адабиётшунослик ва бадиий ижодда эсселашиш даври бўлди. Нимани, қачон ва қандай айтиш кераклиги регламентлаб қўйилган шўро жамиятида эса эсселашишга йўл қўйилмади. Чунки эссе жанридаги асар учун жамиятнинг барча аъзолари ёхуд унинг кўпчилиги томонидан қабул қилинган универсал қараш эмас, балки муаллифнинг индивидуал қараши муҳим ҳисобланади.

Носир Фозиловнинг "Топдиму йўқотмадим" китоби ана шу имкониятдан тўлиқ фойдаланиш натижасида дунёга келган асардир.

Турли ижодкорлар ҳақидаги ўттиз тўққиз мақоладан иборат бу китобда ички бир бутунлик, моҳиятда яхлитлик бор. Ундаги ҳар бир ёдномада кўпчиликка таниш ижодкор инсон шахсиятининг бир қирраси намоён бўлган. Натижада ижод аҳлининг бир гуруҳи, демакки, миллатимизнинг энг илғор вакиллари шахсияти ҳақида яхлит ижтимоий, маънавий, психологик ва эстетик тасаввур шаклланади.

Китобдаги Ўлмас Умарбековга бағишланган "Азизим" хотирасига ***"Инсоф билан айтганда, унинг бу оламдан олганидан бу оламга бергани кўпроқ бўлди"*** тарзидаги қисқагина хулосани эссе қаҳрамони сувратига аниқ чизги дейиш мумкин.

"Мулла Шукур" эссесида муаллиф таниқли адиб Ш.Холмирзаев қиёфасидаги кўздан яширин жиҳатларни синчковлик билан кўрибгина қолмай, ўқувчиларга кўрсатиб ҳам беради. Натижада ёзувчи сиймоси китобхон кўз олдида шундоққина гавдаланади. Жумладан, ***"У ...ўрнидан дик этиб турди, бир нималар дегандай бўлди. Сўзлари тишларининг орасидан чиқди-ёв... англаёлмай қолдим"*** тасвирида Шукур Холмирзаевнинг хатти-ҳаракат ва сўзлаш манераси яққол акс этган. Бу китобда қаҳрамон табиати ҳақида кичик деталлар ёрдамида умумлашма хулосага келиш кенг қўлланилган ва яхши самара берган усулдир.

Ғафур Ғуломнинг чапани феъли, бетакрор топқирлиги акс этган "Сахройи", "Шеърий мактуб" хотиралари ҳам ўта қизиқарли ёзилган. Бу эсселар улуғ шоир сиймосининг номаълум қирраларини нурлантириб юборганлиги билан аҳамиятлидир.

Мақсуд Шайхзода тўғрисидаги "Ўзларидан сўрасак" сарлавҳали ёднома таниқли адиб табиатига хос жиҳатларни аниқ кўрсатиши билан эътиборни тортади. Н.Фозилов ёдномаларини ўқиш ўқувчига бу дунёдан ўтиб кетган машҳур кишилар билан яна бир бор учрашиш, уларнинг табиатидаги ўзига олдин маълум бўлмаган қирраларни билиб олиш имконини беради. Бу ёднома бирор кимсанинг кўнглини оғритмасликка уринадиган, ҳаммага ёрдам бергиси келадиган шоир Шайхзода тийнатининг янги жиҳатларини очишга хизмат қилади.

Н.Фозиловнинг Абдулла Қаҳҳор ижоди билан илк марта танишиш жараёни акс этган қизиқарли сюжетга эга "Танишув" номли хотираси мустақил бадиий асар каби шавқ билан ўқилади. Унда Абдулла Қаҳҳорнинг "Қанотсиз читтак" асари қаҳрамонига икки томчи сувдай ўхшайдиган Абдурасул исмли қишлоқдошининг тутумлари, адибнинг ҳажвиясини ўқиб бергани учун ўсмир Носир бошдан кечирган ёқимли ва ёқимсиз саргузаштлар жонли юморга йўғрилган ҳолда қизиқарли акс эттирилган.

Китобда Ойбек домланинг бетакрор шахсияти, душманларига ҳам яхшилик қила оладиган даражадаги чексиз бағрикенглиги, айни шу фазилатлари билан нафақат ўзбек, балки қозоқ адиблари орасида ҳам чўнг эҳтиромга сазовор бўлганлиги каби қирралар "Кенглик" хотирасида бадиий асарга хос маҳорат ва таъсирчанлик билан тасвирланган.

Таниқли шоира Саида Зунунова ҳақидаги "Саида опамиз" деб номланган эсседа Саида опанинг жиддий, ўйчан, куюнчак, аммо дадил, ўзига ишонган ва шахдам шахсияти ёрқин гавдалантирилган. Опанинг ҳикоячи тақдирида тутган ўрни мардона холислик билан қайд этилган. Муҳими, эссе ҳаётий тафсилотлар йиғиндиси бўлиб қолмаган, балки унда қаҳрамон портрети бўй кўрсатган.

Китоб муаллифининг усталиги шундаки, бу битиқдан навбатдаги "Саид Аҳмад бобо", "Устоз билан...", "Учқўрғон", "Падарингга минг... раҳмат" ва "Қарз" эсселарига сездирмайгина ўтиб кета олган. Бу беш ёдловнинг ҳам қаҳрамони машҳур ёзувчи ва драматург Саид Аҳмад бўлиб, уларда адиб шахсиятининг янги қирралари бевосита Носир Фозиловнинг ўзи билан боғлиқ ҳаётий воқеалар асосида очиб берилган.

Ўзбек адибларининг қозоқ ижодкорлари билан бўлган самимий дўстлиги акс этган "Буюк Мухтор Авезов", "Ойбек домла", "Тош", "Егор Самойлович", "Ўкинч", "Асфальтда ўтов" каби ҳикояларда Ғафур Ғулом, Ойбек, Миртемир каби улкан адибларимизнинг М.Авезов, С.Муқонов, А.Тожибоев, Ғ.Мусрепов сингари қозоқ ёзувчилари билан бўлган дўстона муносабатлари ҳаётий тафсиллар асосида ифода этилган.

Шу ўринда истеъдод эгалари шахсиятидаги ўзига хос хусусиятлар моҳирлик билан, қизиқарли тасвирланган китобда айрим эътиборталаб жиҳатлар борлигини ҳам қайд этиш лозим. Чунончи, баъзи ёдловларда қаҳрамондан кўра эпизодик тимсолга кўпроқ эътибор қаратилади. Бу ҳол ўқувчи эътиборини бир қадар чалғитади. Айрим эсселарнинг тили эса сайқалга муҳтож. Бир бетдангина иборат "Суюнчи" ёдловининг қаҳрамони кимлигини билиб бўлмайди. Шунингдек, бизнингча, муаллиф асарда ўз қаҳрамонлари — таниқли ёзувчи ва шоирларга мустабид шўро тузуми томонидан ўтказилган турли тазйиқлар тўғрисида ҳам сўз юритса, айни муддао бўлар эди.

Хуллас, Н.Фозиловнинг "Топдиму йўқотмадим" китобига кирган ҳикоялар муаллифнинг ўзи таниган ижодкорлар тўғрисидаги шунчаки хотиралари эмас. Унда миллий маънавиятимизда чуқур из қолдирган шахсларнинг бугунги кун учун ҳам намуна бўларлик жиҳатлари маҳорат билан кўрсатилган.

Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ,
педагогика фанлари доктори, профессор,
Муҳайё ЙЎЛДОШЕВА,
филология фанлари номзоди

Истак

Менга китоб совға қилишди!

ёхуд туғилган кун фалсафаси

Қуйидаги жумлаларни кундалигимнинг роппа-роса бир йил олдинги саҳифасидан кўчириб ёзяпман: «2010 йил, 20 май. Бугун туғилган куним. Эрта тонгданоқ энг яқин дўстим телефон қилди. «Кечикмадимми, биринчилардан бўлиб табриклайман!» дея самимий тилакларини изҳор этди. Табригу саломлар бир-бирига уланиб кетди. Қизиқ, кимдир умуман бошқа масалада телефон қилса ҳам «Мени табриклаш учун бўлса керак» ёки «Бир оғиз табриклаб ҳам қўймади-я!» деб беихтиёр умид қиламиз. Худди ҳамма одам сенинг туғилган кунингни кутиб ўтиргандай. Кўнгил — нозикда!

Бугунги куним қанчадан-қанча меҳрибонларим, қадрдонларим борлигини англатди. Шуни билдимки, инсон ҳеч қачон меҳр-муҳаббатга, эътиборга, яхшиликларга тўймас экан.

Ушбу кун сабаб яқинларим, дўстларим, курсдошларим ва устозлардан турли совғалар олдим. Кимдир кўйлак, бошқа бири дарсхонам учун эсдалик, яна бирлари ҳар хил идиш ва музей экспонатларига ўхшаш антиқа буюмлар ҳадя этишди. Бир дўстим эса китоб бера туриб, «Арзимас бўлса ҳам», деди тортинибгина. Бу ноўрин тортинишга жавобан: «Аввалари одамлар бир-бирларига энг яхши совға сифатида китоблар ҳадя этишган. Ана шу муқаддас анъанани давом эттираётганингиз учун сизга катта раҳмат!», дедим.

Кечқурун барча совғаларни жамладим. Бугунги ўтган ажойиб кунимни эслаб, завқландим. Фақат китоб совға қилган дўстимнинг «Арзимас бўлса ҳам!» дегани қайта-қайта қулоғим остида жаранглайверди. Наҳотки, улуғ устоз, буюк тарбиячи — КИТОБ — арзимас совғага айланиб қолган бўлса?!.»

Ўтган йили олган совғаларимдан асосан ўша китобгина «омон» қолди. Ҳадя этилган кийимларнинг оҳори тўкилди, бошқалари ишлатилиб, эскирди, синди, ейилди... Китоб эса... Ҳар сафар ўқиганда, ундан нималарнидир топаман, аввал эътибор бермаган бошқа бир ҳақиқатни кашф этаман...

Грузинларда қизининг келинлик сепига Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» номли асарини қўшиб қўйишлари кўп таъкидланган. Мен ҳам ўзимча бўлажак келин болага: «Ота-онангизга айтинг, 30-40 саватни қисқартириб, битта сават тўла китоб бўлсин!» дейишни орзу қиламан.

Орифжон ЖЎРАЕВ
Наманган вилояти

Ҳаёт сабоқлари

Буюк саволлар

Йил ўтган сари ҳаёт, умр, устозу шогирд, бахт ва тақдир ҳақида муайян бир тушунчага эга бўлиб бораркансан. Шу маънода ҳаётнинг баланд-пастини кўрган, ибратли умр йўлни босиб ўтган инсонларнинг тақдир ҳақидаги мулоҳазаларини билиш биз ёшларнинг маънавий бурчимиздир. Бу борада буюк бобокалонимиз Абу Наср Фаробийнинг бир фикри ёдимизга тушади: "Инсон юксак камолотга эришув йўлида ҳаракат қилганидек, ақлий билишга ҳам ҳаракат қилса, ҳеч шубҳасиз ўзи интилаётган бахт-саодатга эришади". Бу ўгит қачондир ўз таъсирини кўрсатган ва кўрсатиб келмоқда.

Инсон бу дунёда ҳамиша ўз-ўзига буюк саволлар бериб яшашдан чарчамаслиги керак. Чунки буюк саволларсиз инсон онгида буюк фикрлар ҳам туғилмайди. Уларсиз инсон камол ҳам топа олмайди. Тўғри, ҳаёт инсонни турлича сийлайди. Кимдир енгил-елпи йўлдан юриб адашиб қолади, яна кимдир эса оғир ва машаққатли йўлни танлаб, охири ўзи ўйлаган мақсадга эришади. Эҳтимол, инсонга мукофотлардан кўра зарбалар кўпроқ учрар. Негаки, инсон камолот чўққисига фақат турли синовлар орқалигина кўтарила олади. Қадимги хитойликларнинг бир нақли бор: "Агар ҳаёт йўлингда ҳеч қандай тўсиқларга учрамаган бўлсанг, демак, сен ҳали инсон сифатида ўзингни тўла англамагансан, яъни одам бўлмагансан". Аммо бу ҳаёт фақат қийинчиликлардан иборат, дегани эмас, албатта. Лекин машаққатларсиз ҳам ширин ҳаёт йўқ.

Сен ҳаётга нима берсанг, ҳаёт ҳам сени ҳаракатингга яраша жавоб қайтаради. Ҳаётнинг негизини ҳаракатчанлик ва фаолиятлилик ташкил этади. Инсон ўзи қандай ҳаёт тарзини танлайди? Албатта, оддий, табиий, меъёрий ҳолда яшашни афзал билади. Бундай ҳаёт тарзини бизга ҳаётнинг ўзи кўрсатиб беради. Бизга узоқ яшаш имкони берилган. Афсуски, бу имконни турли сабаблар билан инсоннинг ўзи "қирқади".

Ҳаёт сабр-матонатли буюк устоздир. У инсонни қайта-қайта синаш ва сабоқ беришдан чарчамайди. Бундан унумли фойдалана билиш ҳар бир банданинг ютуғидир. Агар у ҳаётдан ҳақиқатан ҳам ҳар томонлама сабоқ ололса, бундай одамнинг хулқ-атвори, ички олами, маънавий дунёси ўзгаради ва ҳатто ташқи кўриниши ҳам гўзаллашади. Агар инсоннинг маънавий дунёси ўзгармаса, у ҳар қанча ўқиган бўлмасин, барибир, ҳеч нарса уқолмай ўтиб кетади. Кўп нарсани билиш ва ўрганиш фойдадан холи эмас. Ахир билиш инсонга бахт, саломатлик, маҳсулдорлик олиб келади ва бир-биридан залворли ҳаётий ҳақиқатлар сари етаклайди.

Азизбек АЛЛАБЕРДИЕВ,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

Фикр

Имтиҳонга тайёрмисиз?

— Шеър ўқишни биласанми?

— Ҳа, — дейди у секингина.

— Айтиб бер-чи.

Қўшнимизнинг 3-синфда ўқийдиган ўғли бироз қизаради. Тортинди чоғи.

Ўрталиқдаги сукунатни кўриб ажабландим.

— Мактабда доскага чиқиб гапирасизларми?

— Кўпинча ёзамиз. Ўқиш дарсида ўқиймиз.

— Уйдагиларинг дарс қилишингга ёрдам берадими?

— Ойим вақти бўлганда қарашади.

— Сен ҳам бошқа болаларга ўхшаб компьютер ўйнайсанми?

— Йўқ, адам урушадилар. Акам ўқишдан келиб, адамдан пул олиб компьютер ўйнагани чиқиб кетадилар. Мен уйда қоламан...

Кузатишимча, унга мактаб, дарслар ҳақида савол бермасам иккиланиб, тортиниб жавоб берди. Билса ҳам жавоб бергиси келмади ёки қатъийлик етишмади. Демак, боланинг оғзаки нутқини ўстиришга, энг асосийси, ўзига бўлган ишончини ошириш керакка ўхшайди. Негаки, ана шунда унинг ички имкониятлари очилиб боради. Ўзига ишончи ортади. Мустақил фикрга эга бўлиб, мустақил қарорлар чиқаради. Мабодо иккиланаверса, бир тўхтамга келишга қийналади. Ўзи фикр юрита олмайди. Бошқалардан нажот кутади. Албатта, биз мазкур масалага фақат ўқитувчилар эътибор қаратиши керак, деган фикрдан йироқмиз.

Кузатувлар шуни кўрсатадики, 1-4-синфларда ўқувчиларнинг аксарияти аъло баҳоларга ўқишади. 5-6-синфларга ўтгандан сўнг бу кўрсаткич пасая боради. Бунинг биринчи сабаби, дарслар мураккаблашади. Айрим фанлардаги жумбоқларга бола тушунмай қийналади. Ўқитувчидан сўрашга эса журъат этолмайди. Шу билан аста-секин ўқишга бўлган қизиқиши сусая боради. Паст баҳо олишни бошлаган ўқувчининг дарслардан кўнгли совий бошлайди.

— Болаликдан ўсмирликка ўтиш даврида бола дунёга бошқача кўз билан назар ташлайди, — дейди Қибрай туманидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси Мавлуда Самарова. — Айни шу даврда унда турли қарашлар, ҳиссий тушунчалар пайдо бўла бошлайди. Бу вақтда болани чалғитмасдан, бутун диққат-эътиборини ўқишга қаратолсак кўзланган мақсадга эришилади.

Ҳақиқатан ҳам, боланинг ёшлигидан билимларини мустаҳкамлаб бориши келгусида олий ўқув юртига киришида қўл келади. Мана шу пайтдан бошлаб фарзандларимизнинг қизиқишига қараб бирор касбга йўналтиришимиз мақсадга мувофиқ. Агар бунга эътиборсизлик қилинса, айрим ўқувчилардек пул сарфлаб ойлаб-йиллаб ўқув марказларига ёки репититорга қатнашга тўғри келади. Бу ҳам майлику-я, баъзан «таниш» қидириб қоладиганларига ҳам дуч келасиз. Бундайларнинг институтга кириш имтиҳони яқинлашгани сари пайтавасига қурт тушади.

Яқинда бир танишим телефон қилиб ўғлини ўқишга киришига ёрдам беришимни илтимос қилди.

— Жиян тайёргарлик кўраяптими?

— Ҳа, бир-икки ойдан бери репититорда ўқияпти.

— Репититорга қатнаётган бўлса, худо хоҳласа, ўз кучи билан ўқишга кирар, ахир, — дедим унга.

— Шу десанг, янганг айтти, қўшни ўғлини гаплашиб кепти. Биз ҳам ҳаракат қилайлик, дедик-да. Илтимос, бирорта танишингга айт, ўқишга киришига ёрдам берсин. Биласан, битта ўғлим учун молимни аярмидим.

Унга пул ёрдам бера олмаслигини, ўқишга кириш фақат ўғлининг ўзига боғлиқлигини тушунтираман, деб эсим кетди. Алдганларни, неча йиллардан бери пулини ололмай юрганларни мисол қилдим. Ахийри, у хўп деди-ю, аммо ўз билганини қиладиганга ўхшади. Лекин беш қўл баробар эмас.



Бир танишим 7-синфда ўқийдиган ўғлини ўқув марказига берибди. Буни эшитиб ундан сўрадим.

— Ҳали анча эрта эмасми?

— Ҳозирдан тайёргарлик кўриб борса, эртага олий ўқув юртига киришда қийналмайди. У ерда малакали мутахассислар дарс беради. Мактабда эса унча яхши ўқитишмаяпти.

— Сиз бирор марта мактабига бориб шу ҳақда айтдингизми? Ёки ўқитувчисидан фарзандингиз ҳақида сўрадингизми?

— Қизиқмисан, бориб нима қиламан? Барибир ҳеч нарса ўзгармайди.

Қаранг, танишим ҳали бирор марта фарзандининг мактабига бормай туриб шундай фикр юритмоқда. Кўпчилигимиз худди у каби хулоса ясаб қўяверамиз. Айбни фақат бировдан қидирамиз. Гўёки ўзимиз оппоқдек. Ўқув марказларида бироз бўш ўқитишса, ўқитувчини алмаштиришни талаб қиламиз. Чунки пулимиз кетаяпти-да. Мактаблар учун давлатимиз томонидан қанча-қанча маблағ ажратилаяпти-ку, ахир. Яхши ўқитишни талаб қилиш, аслида биз — ота-оналарнинг вазифаси эмасми?

Фарзандларимиз — бизнинг келажагимиз. Келажагимиз, эртамиз эса бугундан бошланади. Келинг, эътиборсизлигимиз туфайли фарзандимизни ҳам, ўзимизни ҳам қийнаб қўймайлик.

Бобур МУҲАММАДИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

МАДАНИЯТ

Энг яқин дўст

У шундай дўстки, кунларимизни мазмунга, тунларимизни чинакам оромга айлантиради. У шундай дўстки, нохуш хаёлларга берилишимизга йўл қўймайди, умидсизликдан узоқлаштиради. Ундан ҳатто касалликлар ҳам қўрқади-ки, мабодо, бундай дўстни топгунингизгача қандайдир хасталик сизга ёпишиб олиб, вақтингиздан ҳам, бахтингиздан ҳам жудо қилишга эришаётган бўлса, у туфайли бутунлай халос бўлиш мумкин.

У шундай дўстки, ҳатто ота-оналар фарзандларини болалигидан бошлаб унинг қўлига топширадилар. Фарзандлари у билан бирга экан, кўнгиллари хотиржам, ишлари рисоладагидек...

Англаб улгурганингиздек, бу дўстнинг номи — спорт!

Спорт ва унга ошно бўлишнинг фойдали жиҳатлари шунчалик кўпки, уни биргина мақолага жамлашнинг сираям иложи йўқ. Хусусан, фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишида унинг ўрни беқиёс. Зеро, мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Бу саъй-ҳаракатларнинг мазмунмоҳиятида эртанги кунимиз эгалари бўлмиш соғлом авлодни тарбиялаш ва вояга етказишдек эзгу мақсад мужассам. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ана шу мақсадга эришиш йўлида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Жамғарма ташкил этилганидан буён юртимизнинг шаҳар ва туманларида, ҳатто олис қишлоқларида ҳам янгидан-янги спорт мажмуалари, стадионлар, сузиш ҳавзалари қад ростлади. Уларда бугун минглаб болалар ўзлари севган спорт турлари билан шуғулланиш имконияти яратилган.

Ушбу саъй-ҳаракатлар, шунингдек, мамлакатимизда ижтимоий соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, спорт, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини, маданиятини ошириш, ижтимоий муҳофазани кучайтиришга комплекс ёндашув натижасида аҳолининг, айниқса, болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича салмоқли натижаларга эришилмоқда. Юртбошимиз жорий йил 25 февраль куни Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишидаги маърузасида бунга алоҳида тўхтаб ўтдилар: "Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, агар 2005 йилда юртимизда мутлақо соғлом болалар кўрсаткичи 52,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу рақам 62,6 фоизга етди. Агар дунёнинг ривожланган давлатларида бу кўрсаткич 70-72 фоизни ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, Ўзбекистонда бу масала бўйича қандай жиддий ўсиш суръатларига эришилаётгани яққол аён бўлади".

Чиндан ҳам, жисмоний тарбия ва спорт инсон саломатлигида, айниқса, болаларнинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Спорт билан мунтазам шуғулланиш натижасида ўтган йили 2005 йилга нисбатан ўқувчилар ўртасида ўткир респираторли вирусли инфекция билан касалланиш 12,8, пневмония билан касалланиш 15,5, бронхит билан касалланиш 16,2 ва сколиоз билан касалланиш 11,6 фоизга камайгани бу фикримизни тўла тасдиқлайди.

— Қизим Марям ёшлигида кўп касал бўларди, ҳатто шифохоналарда бир-икки ҳафталаб ётиб даволанишига тўғри келарди, — дейди спорт залининг бир чеккасида туриб бадиий гимнастика машғулотларини бажараётган қизларни кузатаётган Дилором Аҳмедова. — Айниқса, сурункали тонзиллит тез-тез безовта қилаверганидан севимли ишимдан воз кечишга мажбур бўлганман. Бу ҳам майлику-я, оёғида туғма қийшиқлиги ва тенгқурларига қараганда бўйининг пастлигидан ҳам қаттиқ хавотирга тушардим. Оёқларига бир неча мароталаб массаж муолажалари олдирсак ҳам натижаси кўнгилдагидек бўлмади. Хуллас, қизим беш ёшга тўлганида оилавий поликлиникадаги участка врачимизнинг маслаҳати билан маҳалламизда жойлашган 26-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг гимнастика тўгарагига олиб бордим.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, мана олти йилдирки, қизим бирон марта ҳам оғримади. Ҳатто қишда ҳам шамоллаш, грипп нималигини билмайди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Сурункали тонзиллит, дисплазия ва паканаликдан биратўла қутулди. Ёши бўйича бўй узунлиги ҳам рисоладагидек, ўтган йили бўйи 128 сантиметр эди, бу йил 134 сантиметрга етди. Дарсларда фаоллиги ортиб, ҳозир аълочилар сафида. Олдингига нисбатан аниқ фанларни осонлик билан ўзлаштиради, тез хулоса чиқара олади. Жорий йил бадиий гимнастика бўйича 2000-2001 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида ўтказилган Самарқанд очиқ чемпионатида фахрли ўринни эгаллаши эса оиламиз учун ҳақиқий байрамга айланди. Бугун қизимнинг соғлом бўлиб вояга етаётганидан бошим кўкка етди.

— Болалар эртароқ спорт билан ошно бўлишса, асло фойдадан холи бўлмайди, — дейди олий тоифали педиатр, неонатолог Сабоҳат Йўлдошева. — Чунки 10 ёшга етгунга қадар жисмоний тайёргарлик, гимнастика элементлари, енгил атлетика, стол тенниси, бадминтон, сузиш билан шуғулланиш уларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий ўсишларида катта туртки бўлади. Сабаби, бу даврда скелет суяклари, айниқса, умуртқа поғонаси ҳали кучсиз ва қайишқоқ бўлиши туфайли ортиқча зўриқиш баробарида ҳаракат фаоллигининг етишмаслиги қаддиқоматнинг бузилиши, сколиозга олиб келиши мумкин. Шунинг учун бундай пайтда юқоридаги машғулотлар билан шуғулланиш айни муддао. Шунинг учун биз маҳалла, мактаб ва боғчаларда ота-оналар, ўқувчилар билан ўтказиладиган учрашувларда спорт билан болаликдан шуғулланишнинг саломатликка фойдали жиҳатлари ҳақида ботбот таъкидлаймиз, оила бошлиқларига яқин атрофдаги спорт мажмуалари ҳақида маълумот ва кўрсатмалар берамиз. Энг муҳими, кейинги пайтларда олиб борилган тарғиботлар натижаси ўлароқ, одамларимиз онг-шуурида спортга нисбатан қизиқиш анча ортганлигини кузатиш мумкин.



Бир донишманддан сўрабдилар: "Энг ақлли ота-оналар кимлар?". Шунда донишманд жавоб берибди: "Фарзанди касал бўлмасданоқ унинг соғлиғи хусусида қайғурган, қимматбаҳо бойлик — саломатликни болаликдан асраб-авайлашга ўргатувчи ота-оналар энг ақлли инсонлардир". Биз ҳам орамизда ана шундай инсонлар кўпайишини, фарзандларимиз соғлом бўлиб вояга етишини истардик. Ахир, келажагимиз соғлом ва баркамол ёшлар қўлида.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА

Муайтайчилар ғалабаси

Шу йилнинг март ойида спортнинг муайтай тури бўйича Таиландда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган 15 га яқин самарқандлик спортчилар ярим профессионаллар ўртасида иккита ғолиблик камарини, ҳаваскорлар ўртасида учта олтин, бештадан кумуш ва бронза медалларини қўлга киритиб, мамлакат терма жамоаси ғалабасига муносиб ҳисса қўшишди. Жаҳоннинг 72 мамлакати спортчилари ўртасида Ўзбекистон муайтайчиларининг умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллагани қувончлидир.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда спортнинг барча турлари қатори муайтай ҳам ривожланиб бормоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, уч йил муқаддам Самарқандда вилоят муайтайчилар ассоциацияси тузилган эди. Дастлаб унга ажратилган замонавий спорт залида ўтказиладиган машғулотларда 55 нафар ўсмир қатнашган бўлса, бугун улар сафи 200 нафардан кўпроқни ташкил этмоқда. Дарвоқе, Таиландаги чемпионат ғолиблари ва совриндорларининг барчаси мазкур ассоциация аъзоларидир.

Ассоциация фаолияти Самарқанд шаҳар нотариал идораси раҳбари, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Т. Эшмонов ташаббуси билан йўлга қўйилган эди.

— Юртбошимизнинг 2010 йил 5 майдаги «Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бугунги кунда юртимизда жисмонан ва маънавий соғлом ёш авлодни тарбиялашга хизмат қиляпти, — дейди Толиб Эшмонов, — Ассоциацияни ташкил этишдан мақсадимиз вилоятимизда болалар спортининг янада ривожланишига ҳисса қўшиш эди. Биз дастлабки кунларданоқ ота-оналар, мактаблар билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Мамлакатимизда спортнинг, жумладан, муайтайнинг ривожланишига қанчалик даражада эътибор берилаётганини тушунтиришга ҳаракат қилдик. Бу соҳа бўйича чуқур малакага эга спортчиларни мураббийликка таклиф этдик.

Самарқандда спортнинг муайтай турига эътибор ошаётгани боис, бу соҳада мамлакатимиз байроғини баланд кўтараётган спортчилар сони йил сайин кўпайиб бораяпти. Улардаги иқтидорнинг юзага чиқишида устоз ва мураббийларнинг, фидойи инсонларнинг хизматлари катта эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Матлуба САЙДАЛИЕВА,
ўқитувчи

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ

1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини кляссер ва буклетларда сотувда мавжуд

ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!
Телефон: (8 371) тел.: 233-70-33; факс: 236-36-48
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

ISSN 2010-7528

Бош муҳаррир Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил: hurriyat@doda.uz

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси —	8-361-505-19-11
Андижон —	8-374-250-90-39
Бухоро —	8-365-592-85-02
Самарқанд —	8-366-233-62-12
Сурхондарё —	8-376-396-30-59
Фарғона —	8-373-215-80-58
Хоразм —	8-362-291-48-44

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 22 50

® — тижорат белгиси.

Адади: 8230 Буюртма — Г-626 1 2 3 5